БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 15 (11764). | Чоршанба, 18 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ХАЛҚИ БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИНИНГ ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЭСГА ОЛМОҚДА

СОЮЗЛАР УЙИНИНГ КОЛОННА ЗАЛИДА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЕЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА

<>

Қизил Майдон, Кремль... Бу ер бундан бир неча ўн йиллар муқаддам улуғ Ҳамза қандай тасаввур қилган бўлса, худди ўшандайлигича турибди. Кремль деворлари қор билан қопланган, Спасский минораси улуғвор қад кўтариб турибди, ҳукумат биноси тепасида каттакон қизил байроқ ҳилпирамоқда. Бу ердаги ҳар бир тош революцион жангларнинг шонли тарихидан гувоҳлик бериб турибди.

Рост, Ҳамза Москвани кўришга бутун жон-дили билан интилган бўлса ҳам, аммо уни кўришга муяссар бўлолмади. Шоирнинг қисмати шундай бўлган эди, чунки у, Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳри, ҳар бир қишлоғи учун даркор эди. Лекин, шоир Кремлни ўзининг ички нигоҳи билан, қалб кўзлари билан ҳамиша кўриб турди.

Кремль шоирнинг кўз олдида жаҳон пролетариатининг штаби сифатида гавдаланди. Бу ерда меҳнат аҳлининг иродаси билан революция генийси Владимир Ильич Ленин ҳозирги гўзал ҳаётимизни ижод қилди ва бундан ҳам ажойиброқ келажакни яратди. Ёзувчи ўзининг ана шу қарашини «Жаҳон капитализмининг сўнгги кунлари» номли пьесасида ва бошқа бир қанча асарларида гоят даражада ёрқин акс эттирди.

Ўзбекистон адиблари Кремль курантларининг тантаворбонгини тинглар эканлар, болалик чоғларидаёқ Ҳамзанинг ёд олган жанговар шеърларининг сатрларини беихтиёр такрорлар эдилар. Ҳамзанинг ҳаётлик чоғида уни биллганлар, ана шу ажойиб киши билан бевосита кўришишга муяссар бўлганлар унинг Ленининг ўлмас идеяларини бутун Шарқ тақдирига муқаррар таъсир кўрсатиши ҳақида, ўтмишда қолоқ бўлган миллатлар моддий ва маънавий кучларининг равнақи ҳақида нақадар юмил ишонч билан айтган сўзларини шу тобда эслаб турибдилар.

16 январь куни Ҳамза ижодиётини яхши билган ва унинг асарларини ҳурмат қилган кўпгина кишилар Союзлар Уйининг Колонна зали томон йўл олдилар. Бу ерда шоир туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Бу ерда партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари, атоқли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, олий ўқув юртларининг ўқувчилари йиғилишди. Залда ҳозир бўлганлар орасида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қатнашчилари, шунингдек юбилей тантаналарида қатнашмоқ учун таклиф қилинган қардош республикалардан келган меҳмонлар ҳам бор эди.

Саҳна тўрида солдат гимнастёркаси кийган, чеҳраси деҳқон чеҳрасидай оддий бўлиб, нигоҳи шоир ва олимнинг нигоҳи сингари ўткир бўлган Ҳамзанинг портрети турибди. Президиум столи ёнида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Г. Гуломов, Е. С. Насриддинова, Ш. Р. Рашидов, Ф. Е. Титов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Турсунқулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, республика маданият министри С. М. Муҳаммедов ўтирибдилар.

Президиумда СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг раиси Н. С. Тихонов, атоқли рус ёзувчилари — К. Воронков, Н. Грибачев, С. Евгенов, Г. Марков, Е. Поповкин, С. Сартаков, К. Симонов, В. Смирнов, Б. Солоухин, Ю. Яковлев, таниқли озарбайжон ёзувчиси Мирза Ибрагимов, Ўзбекистоннинг атоқли ёзувчилари — Яшин, Уйғун, Воҳид Зоҳидов, Михаил Шевердин, Иззат Султон, Юсуф Султонов, Мақсуд Шайхзода, Рамз Бобожон, Миртемир, Мирмуҳсин, Турсун Тўла, Шукрулло, СССР халқ артистлари Халима Носирова, Мукаррама Турғунбоева ва бошқалар ўтирибдилар.

Кечани СССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари Н. С. Тихонов очди.

Биз, деди у, ажойиб киши, ажойиб коммунист ва ажойиб ёзувчининг юбилейини, ўзбек халқи улуғ фарзандининг юбилейини байрам қиляпмиз. Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номи кўп миллатли совет адабиёти асосчиларининг жанговар номлари орасида алоҳида ўринни эгаллайди. Мен, алоҳида ғайрат ва алоҳида шижоатга эга бўлган киши—Ҳамза ҳақидаги ўз фикрларимни айтиб бераётганлигим билан бахтиёрман. Ҳамза қисқа, лекин одатдан ташқари ёрқин умр кўриб, ўзининг 40 йиллик умри мобайнида инсон истеъдоди нималарга қодир эканлигини кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга катта қалб эгаси бўлган Ҳамза ўзининг нималарга қодир эканлигини ҳам кўрсатди.

Владимир Маяковский, Демьян Бедний ва революция туфайли бунёдга келган бошқа улкан шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадиллик билан асос сола олди. Ҳамза музика ва театр санъатида ҳам ана шундай муваффақият билан янги ижодий изланишлар олиб борди. Қадимий Қўқонда туғилиб, табиатдаги жамики гўзал нарсаларга муҳаббат руҳида тарбияланган Ҳамза халқни асрий зулмат ва қолоқликдан қандай қутқазиш, унга илм-фан ва бахт-саодат нурини қандай қилиб бағишлашдан иборат энг муқаддас орзу-умидларни ифодалаш мақсадида санъат ва адабиётга янгилик киритишга интилди.

Биз, камбағаллар учун мактаб очиб, халқ маорифи соҳасида ислоҳот ясамоқ учун зўр бериб курашган Ҳамза олдида қуллуқ қиламиз. Биз, Шарқнинг барча буюк тафаккурлари сингари ийриқ, бегона юртлар бўйлаб сафарга отланиб, бирдан-бир ҳақиқатни, яъни ўз ватанини қуллик ва ижтимоий адолатсизликдан озод қилишни тоғган, ана шу исёнкор қалб эгаси бўлган киши олдида қуллуқ қиламиз. Биз, шеъриятда ислоҳот ясаган, халқнинг жўшқин революцион интилишлари энг яхши тараннум этиладиган янги шеърий

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИНИНГ АСОСЧИСИ

Ўзбекистон ёзувчилари билан биргаликда республика санъат усталарининг катта группаси ҳам Ватанимиз пойтахтига келди. Улар ҳам ўзларини ҳақли равишда Ҳамзанинг шогирдлари ва у бошлаган ишларнинг давомчилари деб атайдилар. Улар — адиблар, санъат арбоблари москваликлар бутун мамлакат билан биргаликда ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, ўзбек совет адабиёти, Ўзбекистон музикаси ва театрининг асосчиси бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг етмиш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган тарихий кунларда бу ерга келдилар.

Москва замонамизнинг энг машҳур ёзувчиларидан бири бўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номини шу кунларда алоҳида муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди. Китоб магазинларида, кутубхоналарда унинг асарларига бўлган талаб ҳар қачонгидан ҳам ошиб кетди. Ҳамза шеърий китобларини ва пьесаларининг янги нашрлари шаҳарда тезда сотилиб, қўлдан-қўлга ўтиб турар эди. Ишчи клубларда ва олий ўқув юртларида Ҳамза ижодиётига бағишланган виставкалар ташкил қилинди.

Пойтахт меҳнаткашлари Ҳамза юбилейини кўп миллатли совет адабиётининг, бутун совет маданиятининг шодиёна байрами сифатида кутиб олдилар. Буюк ўзбек шоири Ҳамза ҳам совет маданияти хазинасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Юбилей тантаналари КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг иши билан бир вақтга тўғри келганлиги бу воқеанинг аҳамиятини яна ҳам ошириб юборди. Пленумда республика партия ташкилотининг Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиётининг ютуқлари ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИДАН БИР ГРУППАСИ. СУРАТДА (чапдан): Кемерово сабзавот-картошкачилик совхозлари трестининг агрономи А. П. МАРИКОДА, Липецк областидаги «Россия» колхозининг звено бошлиғи Т. Е. СОЛОМАХИНА Қозоғистон ССР даги «Симферопольский» совхозининг директори Х. М. МОЛДИБАЕВ, Омск областидаги «Победитель» совхозининг чўчқабоқари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Я. ПЕРЕШИВКО ва Ўзбекистон ССР даги Киров номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной ОХУНОВА ўртоқлар.

А. Устинов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 16 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Кечки мажлисда Л. И. Любенников (КПСС Кемерово область комитетининг секретари), Д. С. Косенко (Воронеж областидаги «1 Май» колхозининг тракторчиси), И. В. Спиридонов (КПСС Ленинград область комитетининг секретари), А. Н. Аскоченский (В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг академиги), М. Х. Савченко (Сума областидаги Ленин номли колхознинг сигир соғувчиси), А. В. Басов (КПСС Ростов область комитетининг секретари), Г. Ф. Жудро (Могилев областидаги «Победа» колхозининг тракторчиси) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

1961 йил 17 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Эрталабки мажлисда А. И. Гаевой (Украина Компартияси Днепропетровск обкомининг секретари), Н. Ф. Мануковский (Воронеж областидаги Киров номли колхоз трактор бригадасининг бошлиғи), Е. В. Блажевский (Одесса областидаги Горький номли колхоз звено бошлиғи), С. Н. Фак (Орёл областидаги «Ленинское знамя» колхозининг раиси) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети Пленумида нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ПАРТИЯ ТАЪЛИМ БЕРГАНИДЕК ИШЛАЙМИЗ

Турсуной ОХУНОВАНИНГ КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Тошкент областидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи.

□ □ □

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети Президиумининг ҳурматли аъзолари! Никита Сергеевич Хрушчевдан колхозимизга мени ва бизнинг бригадамиз аъзоларини эришилган муваффақиятлар билан табриклаган хат келди. Марказий Комитетга ҳамда шахсан Сизга, қимматли Никита Сергеевич, зўр эътибор берганликларингиз учун чин қалбимдан ташаккур айтаман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен ўтган йил КПСС Марказий Комитетининг Пленумида сўзга чиқиб, бригадамизда мўл ҳосил етиштириш ва машинада 250 тонна пахта теришга ваъда берган эдим. Бригадамиз 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта етиштирганлигини маълум қилишга рухсат этгайсиз. Давлатга 420 тонна пахта сотилди, шундан 408 тоннаси машинада териб олинди. **(Қарсаклар).**

Мен «ХВС-1,2» машинасида уч юз йигирма икки тонна пахта тердим. Эримни ва синглимни пахта териш машинасида ишлашни ўргатишга ваъда берган эдим. **(Залда шодиёна кулги. Гулдурос қарсаклар).** Бу ваъдамни ҳам бажардим: эрим ва синглим ҳам механик-ҳайдовчи бўлиб олишди. Эрим машинада ишлашнинг биринчи йилида 120 тонна, синглим 85 тонна пахта терди.

Бригадамизда бир центнер пахтанинг таннархи 9 сўм 70 тийинни ташкил этди, меҳнат сарфи эса икки баравар — уч меҳнат кунигача камайди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш бизга мана нималар берди. Биз бундай натижаларга, қимматли Никита Сергеевич, Сиз берган доно маслаҳатлар туфайли эришдик. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети машина теримини жорий этиш юзасидан кўп иш қилди. 500 минг тонна пахтани машинада териш юзасидан республика олган мажбурият бажарилди. **(Қарсаклар).**

Биз эришган муваффақиятлар билан қифояланиб қолмаймиз, комплекс механизацияни янада кенг жорий этамиз, пахта ҳосилдорлигини оширамиз.

Ўртоқлар! Мен Пленумга таклиф қилинганим учун жуда бахтиёрман ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ҳамда шахсан қимматли Никита Сергеевичга чин қалбимдан самимий ташаккур изҳор қиламан. **(Қарсаклар).** Мен буни фақат ўз номимдангина эмас, пахта териш машинасида ишловчи ва ишлайдиган Ўзбекистондаги барча хотин-қизлар номидан ҳам айтяпман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизни коммунизм сари бошлаб бораётган партияга ташаккур айтамиз!

Етти йилликнинг учинчи йили бошланди. Бизнинг бригадамиз 100 гектар ернинг ҳар гектаридан энг юқори — 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. Мен ўзим, шахсан пахта териш машинасида 350 тонна пахта теришни мажбуриятимга оламан. **(Қарсаклар).**

Мен бошқа пахтакор республикалардан уларнинг ҳам хотин-қизларга, шунингдек уларнинг эрларига механик-ҳайдовчилик касбини ўргатишларини жуда ҳам ўтиниб сўрайман, токи улар ҳам механик-ҳайдовчи бўлиб олсинлар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети бу Пленумининг қарори бизнинг бундан кейинги ишларимиз учун программа бўлади. Янада яхшироқ ишлаймиз, Ватанга янада кўпроқ пахта берамиз. Биз Ўзбекистон механизаторлари қимматли отамиз Никита Сергеевич. Сизга ваъда қилиб айтамизки, партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети таълим берганидек ишлаймиз. **(Қарсаклар).**

Яшасин ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети! **(Қарсаклар).**

КОММУНИСТИК ТАРБИЯ ПРОБЛЕМАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

МОСКВА, 16 январь. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида коммунизм қурилиши даврида коммунистик тарбия проблемаларига бағишланган илмий сессия очилди.

Сессия КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича пропаганда ва агитация бўлими мудири Л. Ф. Ильичевнинг кириш нутқи билан очилди.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси профессор Ю. П. Францев «КПССнинг XXI съезди ва янги кишининг шаклланиши масалалари» деган темада биринчи докладни қилди.

Сессия уч кун давом этиб, коммунистик тарбия проблемаларига доир ўнтадан кўпроқ докладни муҳокама қилади. Докладчилар орасида таниқли олимлар, давлат ва партия аппаратининг ходимлари бор.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Академик **Т. Д. Лисенко** минбарга чиқади. Мен ўз нутқимни, — дейди у, — менимча биология фани учун қизиқарли ва практика учун муҳим бўлган бир масаладан — колхоз-совхозлардаги сигирлар сутининг мойини кескин равишда кўпайтириш масаласидан бошлайман. Мамлакатда сут таркибидаги мойнинг ўртача проценти тахминан 3,6-3,7 процентни ташкил қилади. Мамлакатда сут таркибидаги мойнинг ўртача процентини лоақал 4,5 процентга беш — етти йил ичида етказиш мумкин деб ҳисоблаймиз ва шу сабабли шу усулни таклиф қилаётирмиз.

Н. С. Хрушчевнинг шу Пленумда сўзлайдиган нутқи тезисларида бу масалага доир қилинган ҳисоблар келтирилган. Бу ҳисоблар шуни кўрсатадики, агар бутун мамлакатда сут таркибидаги мойнинг проценти лоақал 0,1 процент кўпайтирилса, шунинг ўзи ўрта ҳисобда 2600 килограммдан сут берадиган 300 минг бош сигирдан олинадиган сутга тенг бўлади. Аммо, биз сут таркибидаги мойнинг процентини 0,1 процент ошириш ҳақида эмас, балки 10 баравар — тахминан 1 процент ошириш ҳақида гапирмоқдамиз.

Шундай таклифлар қилишимизга асос бўлган назарий қоидаларга ва экспериментларнинг натижаларига тўхталмасдан ўтолмайман, дейди нотиқ. Кўп олимларга бундай таклиф ҳаддан ташқари қалтис бўлиб кўринаётир. Колхоз, совхоз сигирларининг сути таркибидаги мой процентини беш — етти йил ичида кескин равишда оширайлик, деган таклифимнинг қалтис жойи борми? Жавоб бериб айтаманки, ҳа, бор. Лекин бунинг учун олим сифатида фақат мен ўзим тўла равишда жавобгарман.

Мамлакат, колхоз ва совхозлар эса менинг илмий фикрим барбод бўлган тақдирда ҳам зарар кўрмайдилар. Улар фақат фойда оладилар; лекин бу фойда бизнинг фикрларимиз илмий жиҳатдан тўғри бўлиб чиққан тақдирдагидан бирмунча кам бўлади.

Сўнгра олим Қишлоқ хўжалик министрлигига юборган ўз мактубининг айрим жойларини ўқиб беради. Бу мактуб Ленинские Горидаги унинг тажриба фермасида етиштирилган буқаларнинг наслидан фойдаланишга бағишланган. Бу фермада сермой сут берадиган сигирлар подаси вужудга келтирилган. Бу мактубда Ленинские Горидан олинган буқаларнинг насли — буқачалар бўлган ҳамма фермаларда бу буқачалар гўшт учун сўйиб юборилмаслиги, балки планли тарзда колхоз ва совхоз фермаларига (наслчилик бўлмаган фермаларда) тақсим қилиб берилиши ва бу ерда улар зотли моллар сифатида фойдаланилиши керак, деб таклиф этилади.

Сут таркибидаги мойни оширишдан иборат бу иш — жуда керакли ва жуда муҳим иш бўлиб, ҳўжаликлар бу ишдан ҳеч қандай зарар кўрмайдилар, — деб яна таъкидлайди олим.

Н. С. Хрушчев. Министрлик сизга нима деб жавоб берди?

Т. Д. Лисенко. Яқинда, январь ойида бўйруқни имзолашди.

Н. С. Хрушчев. Сиз мактубни қачон ёзган эдингиз?

Т. Д. Лисенко. Анча бўлди. Ўтган йилнинг июль ёки август ойида эди.

Н. С. Хрушчев Сизнинг мактубингиз неча бетдан иборат эди?

Т. Д. Лисенко. 20 бет чамаси.

Н. С. Хрушчев. 20 бетни 6 ой ўқишибди. Қишлоқ хўжалик министрлигида жуда секин ўқишар экан.

Сўнгра Т. Д. Лисенко қўриқ ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган проблемалар устида тўхталади. Ҳозирги қўриқ ер районларини озгина бўлса-да, чинакам билган киши, дейди нотиқ, у ерда қилинаётган улуғвор ишларга қойил қолмаслиги мумкин эмас. Бу — энг арзон маҳсулот — дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун битмас-туганмас имкониятларга эга бўлган районлардир.

Нотиқ деҳқончиликдаги шаблонга барҳам бериш, қўриқ ерлардаги асосий агротехника проблемаларини — галланинг барвақтроқ етилишига ва бегона ўтларни тўгатишга эришиш проблемасини ҳал этиш зарур, деб кўрсатади. Сибирь ва Шимолий Қозоғистон районларида, деди ўртоқ Лисенко, галланинг кеч етилишига, шунингдек ерларни бегона ўт босишига барҳам бериш керак. Бу ерларда галлани барвақт етиштирган ҳолда ҳам мўл ҳосил олиш мумкин. Лекин бунинг учун ўсимликларнинг тупроқдан озиқланиши ҳақидаги биологик назарияни, биологик турлар ва турларнинг вужудга келиши ҳақидаги фанни ҳамда бошқа бир қанча масалаларни яхши тушуниб олиш керак.

Академик Лисенко ўз нутқининг анчагина қисмини мичуринча биология, фаннинг турмуш билан, практика билан чамбарчас боғланиши масалаларига бағишлади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев мазкур Пленумдаги ўз нутқининг тезисларида, дейди нотиқ, қайта ташкил қилинган Қишлоқ хўжалик министрлиги фанга ва илғор тажрибага таяниб ишлаши керак, қишлоқ хўжалигини бошқаришда фан ва илғор тажриба ролини ошириш лозим, деб кўрсатади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев кўрсатмаларида, дейди академик Лисенко, Қишлоқ хўжалик министрлиги ишинигина эмас, балки барча биологик ва қишлоқ хўжалик илмий-текшириш муассасалари ишини ҳам қайта қуришнинг бирдан-бир тўғри, диалектик материализмга асосланган программаси чизиб берилган.

Қозоғистон чўлларидан келган оддий бир чўпон бўлган мен мазкур Пленум ишида қатнашиш, ана шу юксак минбардан туриб гапиришдек катта шарафга муяссар бўлдим, дейди Жанубий Қозоғистон областидаги «Чимқўрғон» совхозининг старший чўпони ўртоқ **А. Шаҳабоев.** Совхоз чўпонлари ва мутахассислари Пленумни муносиб кутиб олдилар. Коллектив чорва туёғини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш юзасидан давлат планини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Совхоз фермаларида 119 минг бош қўй — планда белгиланганидан 19 минг бош кўпроқ қўй бор. Ҳар юз бош совлиқдан бу йил 123 тадан қўзи олинди. Давлатга 40.500 дона қоракўл тери топширилди.

Совхозимиз эришган муваффақиятга, деб давом этади чўпон, мен ҳам ўз ҳиссамни қўшдим. Мен 12 йилдан бери қоракўл қўйларни парвариш қилмоқдаман. Кейинги беш-олти йил ичида ҳар юз бош совлиқдан камида 145 тадан қўзи олмоқдаман, 1959 йилда эса ҳатто 170 тадан қўзи олдим. Мен донгдор чўпон Иван Малашенконинг жуда катта муваффақиятлари ҳақида эшитганимдан кейин у билан мусобақалашишга қарор қилдим ва, етти йилликнинг иккинчи йилига қадам қўяр эканман, ҳар юз бош совлиқдан 205 тадан қўзи олиш мажбуриятини қабул қилдим. Бугун Марказий Комитет Пленумига ўз сўзимнинг устидан чиққанлигимни ҳурсандчилик билан билдира оламан. Менга биркитилган 815 бош қўйдан иборат отардаги ҳар юз бош совлиқдан 206 тадан қўзи олинди. Мен бугун ўзимнинг катта оғам ва устозим Иван Малашенкога яхши сабоқ учун, яхши намуна кўрсатганим учун самимий раҳмат, самимий ташаккур айтмоқчиман!

«Чимқўрғон» совхозининг кўпгина чўпонлари юксак кўрсаткичларга эришдилар, деб таъкидлайди ўртоқ Шаҳабоев. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қозоғистон ССР Олий Советининг депутати Болсиной Довулбоева бу ерда катта ҳурмат ва обрў қозонди. У урушгача ўз эри — старший чўпоннинг ёрдамчиси бўлиб ишлар эди. Эри фронтга кетганида у меҳнат постида эрининг ўрнини эгаллади. Ҳозир Болсиной Довулбоева совхозданги энг йирик фермалардан бирига бошчилик қилмоқда. Матиш Тастанова, Турлибеков ва «Чимқўрғон» совхозининг бошқа кўпгина чорвадорлари яхши меҳнат қилмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда)

СУРАТДА: ёзувчи Н. С. Тихонов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган кечани очяпти.

А. Коньков фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сурат фототелеграф орқали олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши биринчи бетда)

А. Шаҳабоев Пленум минбаридан туриб айтдики, у етти йилликнинг учинчи йилида ўз зиммасига ҳар юз бош совлиқдан камида 210 тадан қўзи олиш ва қорақўл териларнинг 95 процентини биринчи сортга топшириш мажбуриятини олади. Чўпон ана шундай натижаларга эришиш учун ўз билимини қўйчилик усталарининг тажрибаси билан бойитмоқда. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқимоқда. махсус адабиётларни ўқиб турибди.

«Чимқўрғон» совхозининг бутун коллективи, деди ўртоқ Шаҳабоев, етти йилликни беш йилда бажариш мажбуриятини олди. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд: мустаҳкам озуқа базаси яратилган, яхши ўтлоқлар, мол учун зарур бинолар бор, энг муҳими эса, ўз ишини жуда яхши биладиган мутахассислар ва чўпонлардан иборат ажойиб кадрлар ўсиб етишди. Совхоз коллективининг Москва ва Олмаота олимлари билан кўп йиллик ижодий ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир, олимлар қўйларнинг наслдорлигини оширишда чорвадорларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўртоқ Шаҳабоев совхозда Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-текшириш институтининг таянч пункти тузилишини таклиф қилади. Донгдор чўпон нутқининг охирида бундай деди:

Биз, Жанубий Қозоғистон чорвадорлари, ленинчи Марказий Комитетга, шахсан Сизга, азиз Никита Сергеевич, ваъда бериб айтамизки, партиянинг ҳар қандай топшириғини шараф билан бажарамиз. «Чимқўрғон» совхозининг қўйчиванари етти йилликни беш йилда тугаллаш учун бутун куч-ғайратларини, билимларини, тажрибаларини сарфлайдилар. Бу эса коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига бизнинг қўшган ҳиссамиз бўлади.

Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари ўртоқ **П. Е. Шелестга** сўз берилади. Ўртоқ Шелест кейинги йилларда Киев области дон, гўшт, қанд лавлаги, сабзавот, картошка етиштиришни кўпайтиришга эришганлиги ҳақида КПСС Марказий Комитети Пленумига ахборот беради. Ноқулай келган ўтган йилда областда ҳар гектар ердан юз пуддан ғалла ҳосили йиғиштириб олдилар, 95 минг гектар ерда 222 центнердан қанд лавлаги етиштирдилар. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида область колхоз ва совхозларида қорамол сони 140 минг бош, чўчқалар сони эса 143 минг бош кўпайди.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Шелест, бир савол беришга рухсат этингиз. Мен ўртоқ Бубновскийдан шу нарсани сўрамоқчиман — ўртоқ Бубновский. Сиз район партия комитетининг секретари бўлган вақтингизда Шпола районининг колхозлари маккажўхори донидан қанча ҳосил олган эдилар?

Н. Д. Бубновский. Гектаридан 80 центнердан.

Н. С. Хрушчев. Район бўйичами?

Н. Д. Бубновский. Ҳа.

Н. С. Хрушчев. Шпола районида энди қанча ҳосил олинди?

П. Е. Шелест. Шпола ҳозир Черкасси областида.

Н. С. Хрушчев. Демак. бу район бошқа областда экан. Бошқа районларчи. масалан, Умань ҳам ҳозир сизнинг областингизда эмасми?

П. Е. Шелест. Йўқ. у ҳам Черкасси областида.

Н. С. Хрушчев. Мироновка сизнинг областингиздами?

П. Е. Шелест. Мироновка камроқ ҳосил берди. Кагарлик. Гребенки 32 центнердан ҳосил олишди.

Н. С. Хрушчев. Мироновка Шполага яқинми. Ўртоқ Бубновский? У жойнинг ерлари жуда яхши. У жойдаги ерлар худди Шпола районидаги ерларга ўхшайди.

Н. Д. Бубновский. Мироновка, Кагарлик. Гребенки ўзаро мусобақалашган эдилар.

Н. С. Хрушчев. Кишиларни ер эмас, балки Шполада райком секретари бўлган пайтда Ўртоқ Бубновский сингари кишилар ерни безатар эдилар. Шполаликлар шуҳрати Украинагагина эмас, балки бутун Совет Иттифоқига ёйилган эди.

П. Е. Шелест. Эндиликда Шпола ҳам оз маккажўхори бермоқда.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Шелест қандай тез ўтиб кетмоқчи. 21 центнердан ҳосил олдик деди-ю, шу билан ўтиб кета берди.

П. Е. Шелест. Мен бу ҳақда тўхталиб ўтаман.

Н. С. Хрушчев. Сиз яхшиси нутқларда камроқ тўхталинг-у, кўпроқ маккажўхори беринг. Бунинг учун сизни кўпроқ ҳурмат қилишади. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

П. Е. Шелест. Яхши.

У ўтган йили ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича ҳар юз гектар ердан 98 центнердан гўшт ва 376 центнердан сут етиштирилганлиги ҳақида гапиради. Нотиқ Киев области қишлоқ хўжалик илғорларининг номини тилга олади. уларнинг муваффақиятлари ҳақида гапириб беради. Жумладан, дейди у, Пленум қатнашчиси И. Ф. Кабанец раислик қилаётган «Червоний хлебороб» колхози ҳар юз гектар яроқли ер ҳисобига 202 центнер гўшт ва 621 центнер сут етиштирди

Н. С. Хрушчев. Биз бир марта қарсак чалган эдик, яна қарсак чалайлик. **(Қарсаклар).**

Областда яқин йиллар ичида сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш учун, деб давом этади ўртоқ Шелест. ҳозир ўз хўжаликларимизда ўрчитиб кўпайтириш ҳисобига сигирлар сонини ошириш учун тадбирлар кўрилмоқда. Шу йилнинг ўзида сигирлар сони 40 минг бош кўпаяди. 1962 йилда эса область 310 бош, яъни ҳар юз гектар ерга 18-19 бошдан сигирга эга бўлади. бу эса ялпи сут етиштириш бўйича 1963 йил даражасига эришиш имконини беради.

Область партия ташкилоти, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, дейди ўртоқ Шелест, шу Пленум қарорларини бажара бориб, бу йил ҳар юз гектар яроқли ер ҳисобига етиштириладиган гўштни 110 центнерга ва сутни 440 центнерга етказиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Давлатга 350 минг тонна сут ва 90-95 минг тонна гўшт сотилади. **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев. Аванс тариқасида қарсак чаляпмиз, авансга **(қарсаклар).** Бу вексель, сизлар эса шу вексель бўйича ҳақ тўлайсизлар.

Ўртоқ Шелест нутқида мустаҳкам озуқа базасини яратишда ҳал қилувчи роль ўйновчи маккажўхори етиштиришни кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди. Ўтган йили ҳар бош сигирга ўрта ҳисобда 13,3 тоннадан силос бостирилди.

Киев области олдига, деб давом этади ўртоқ Шелест, гектаридан 40-50 центнердан маккажўхори дони етиштириш вазифаси қўйилмоқда. Биз бундай ҳосил олиш осон эмас, лекин батамом реал вазифа эканлигини тушунамиз. У маккажўхори дони ҳосилини ошириш учун қандай чоралар кўрилаётганлигини айтиб берди.

Нотиқ Киев областида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ҳал этилмаган проблемалари устида тўхталади. У айтадики, ана шу проблемаларнинг асосийси қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва айниқса чорвачиликни механизациялашдир.

Ўртоқ Шелест ўз нутқининг охирида партия Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, область колхозчилари совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтиришга эришмоқ учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Н. С. Хрушчев. Сиз ўрдаклар хусусида ҳеч нарса демадингиз. Киев областида ўллар борми?

П. Е. Шелест. Бизда ўллар кўп. Днепр бўйи ўллари бор.

Н. С. Хрушчев. Белая Церковь нарёғидаги Острожанские ўллари сизнинг областингиздами?

П. Е. Шелест. Йўқ, бу ўллар бизга қарамайди.

Н. С. Хрушчев. Сизлар қанча ўрдак боқяпсизлар?

П. Е. Шелест. 250 минг.

Н. С. Хрушчев. Сизлар ўртоқ Колесников билан маслаҳатлашиб олинг. Сизнинг областингизда миллионта ўрдак боқиш мумкин. лекин бу ишни Украинада баъзи ўртоқлар қилганидек қилиш ярамайди. Улар ўсимлик ўсмайдиган ва суви тоза ҳавзани олиб, у ерда паррандачилик фермаси ташкил қилдилар. Лекин бу тўғри эмас. Сизларда ўсимликка бой кўпгина ўллар бор. ҳонаки ўрдакларни худди ана шу ўлларда боқиш керак. Биласизми. табиий озуқа ҳисобига ўлларда қанча-қанча ўрдак боқса бўлади! Сизлар нима учун бу ишни қилмаяпсизлар? Мен бу йил ўзим бориб, сизлар бу ишни қандай ўзлаштираётганингизни текшириб кўраман.

П. Е. Шелест. Сизнинг кўрсатмаларингизни амалга оширамиз.

* * *

14 январда КПСС Марказий Комитети Пленумининг мажлисида докладларни муҳокама қилиш давом этди.

Украина Компартияси Киев обкомининг биринчи секретари ўртоқ П. Е. Шелест нутқ сўзлаб бўлганидан кейин, Таганрог комбайн заводидаги ўзи юрар комбайнлар бўйича махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори ўртоқ **Х. И. Изаксонга** сўз берилади.

У, ўз нутқининг бошида айтдики, конструкторлик бюроси ўзи юрар ғалла комбайнларидан бир қанчасини яратиб берди, шулар орасида «СК-3» комбайни асосий модель ҳисобланади. «Сталинец-6» ва «РСМ-8» тиркама машиналарни беш киши бошқаргани ҳолда, «СК-3» комбайнини бир киши бошқаради.

Кейинги йилларда, деди нотиқ, ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда ҳосилни хиллаб ўриб олиш асосий усул бўлиб қолди. Шу муносабат билан Н. С. Хрушчев Вешенская станицасида сўзлаган ўзининг нутқида бизни тўғри таниқлиб, биз яратган ўзи юрар комбайннинг конструкциясини тўла равишда такомиллаштирмаганлигимизни айтиб ўтди. Н. С. Хрушчевни эса, биз қишлоқ хўжалиги машиналари бўйича ўзимизнинг генерал конструкторимиз, деб ҳисоблаймиз.

Н. С. Хрушчев. Сизнинг «генерал конструктор» деган сўзларингизни қандай тушуниш керак?

Ўзингизда бўлган камчиликлар учун мени ҳам биргаликда жавоб берадиган қилмоқчимисиз? Йўқ, ўзингиз жавоб бераверинг.

Ҳосилни хиллаб ўриб-йиғиб олиш усули, деб давом қилади ўртоқ **Изаксон** ғалла экиларининг ҳосилини йиғиб-териб олишда ишларни механизациялаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта имкониятлар очиб беради. Биз ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг берган маслаҳатларини ҳисобга олдик ва йиғим-терим машиналарининг таянч ҳам такомиллашган комплексини яратиш ишларини ҳозир тугаллядик. Бир йўла 6 метр кенгликдаги ғаллани ўриб берадиган валикли осма жатка яратдик. Бу жатка ўзи юрар комбайнга осиб қўйиб ишлатилади. Бу эса, ундан дон экиларини ўриб олишнинг биринчи даврида фойдаланишга ёрдам беради. Ўзи юрар комбайн ғаллани ўзи ўриб кетаверади, сўнгра эса, уни подборщик ўрнатилган валикли жатка ўрнида ишлатилганида ўриб қўйилган ўша ғаллани йиғиштириб олиб, янчиб беради. Ўзи юрар подборщик-молотилка ҳосилни ўриб-йиғиб олишда меҳнат унумдорлигини анча оширишга имкон беради.

Кўп ўртоқлар маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш ҳали етарли даражада машиналаштирилмаганлигини ўз докладларида ва нутқларида айтиб ўтдилар. Маккажўхори ҳосилининг 80 процентидан кўпроғи қўлда ўриб-йиғиб олинмоқда. Кубандаги машиналарни синаш институти маккажўхорини ўриб-йиғиб олишда янчилган донни бузмай сақлаш соҳасида жуда диққатга сазовор иш қилди. Биз маккажўхорининг донини ўриб-йиғиб оладиган янги машина яратдик. Бу машина ғаллани ўриб-йиғиб берадиган комбайн каби ишлайди. Бевосита ишлайдиган жатка ўрнатилган ўзи юрар «СК-3» комбайнни маккажўхорини пояси билан қирқиб олиб, унинг сўталарини янчиб беради, донни тозалайди ва бункерга тўпланган донни автомашиналарга ағдариб беради.

Н. С. Хрушчев. Маккажўхорини йиғиб-териб олиш ва тўғри асраш учун сушилкалар ҳам яратиб бериш керакдир, шундай қилинганида, йиғиштириб олинган донни керакли кондиция даражасига етказиш таъминланади. Бунинг учун бўлган сарф ўзини-ўзи қоплайди.

Краснодар ўлкасининг Тбилиси районидаги Фрунзе номли колхоз, деб давом қилади ўртоқ Изаксон, диққатга сазовор бир тажриба ўтказди. Бу колхоз 500 гектарга яқин ердаги маккажўхорини иккита комбайн билан шундай усулда ўриб-йиғиб олди. Колхоз маккажўхори донининг етмиш процентини элеваторга топширди ва фақат 30 процентинигина асраб қўйди. Донни қуритадиган қандайдир воситалар керак бўлиб қолар, лекин бу усулнинг афзаллиги шундаки, у, колхозларда бўлган техникадан фойдаланишга имкон беради.

Н. С. Хрушчев. Бу диққатга сазовор масаладир, бу масалага катта эътибор берса арзийди.

А. В. Гиталов. Бу жуда яхши усул. Бироқ, бу усул маккажўхори поясини ўриб-йиғиб олиш масалаларини ҳал қилиб берганги йўқ. Бу эса, меҳнатни кўп талаб қиладиган иш.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Гиталов, маккажўхори поясини ўриб олиш билан бирга, озуқабоп қилиб майдалаб ҳам қўйиш керак. Бу вазифани ҳал қилиш осон.

Х. И. Изаксон. Биз бу билан шуғулланамиз, осма майдалагич машина яратиб берамиз, бундай машина шу масалани ҳал қилиб беради.

Н. С. Хрушчев. Бу машина яхши янчийдими?

А. В. Гиталов. Яхши янчийди.

Н. С. Хрушчев. Энг муҳими мана шу. Ўртоқ Изаксон сингари конструктор билан ишимизнинг жўнашиб кетишига аминман.

Х. И. Изаксон. Сиз билан биргаликда бу вазифани, албатта, ҳал қиламиз. Кубандаги машиналарни синаш институти ўтказаётган ишлар бу машина билан маккажўхорини уруғлик учун ҳам ўриб-йиғиб олиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Сўнгра, нотиқ ҳосилнинг дондан бўлак қисмларини ўриб-йиғиб олиш масалаларига тўхталади. Ҳосилнинг дони билан бирга похолини ҳам ўриб-йиғиб олиб, даланинг четига тахлаб кетадиган машина яратиш керак. Бу йилги мавсумда мана шундай машинанинг тажриба учун ясалган иккита нусхаси далаларда синовдан ўтказилади.

Приморье ўлка партия комитетининг секретари В. Е. Чернишев бу ерда сўзлаган нутқида. деди ўртоқ Изаксон, ўрмаловчи комбайнимизнинг ишига яхши баҳо берди ва бу комбайн билан соя ҳосилини ўриб-йиғиб олишда унинг дони нобуд бўлмаганлигини айтди. Бу ғап ончалик тўғри эмас. Сояни ўришда унинг дони кўп нобуд бўлаётганлигини биламиз, чунки соянинг меваси ўсимликнинг пастки қисмига, тупроқдан 5 сантиметр баландликда жойлашган. Тупроқдаги ўнқир-чўнқирлик эса, ҳозирча ўн сантиметрга етади. Аммо, американликлар экаётган соя мевалари ўсимликнинг поясида тупроқдан 30-40 сантиметр баландликда жойлашган. Бундай сояни биз ҳам донини нобуд қилмай, ўриб-йиғиб берар эдик.

В. Е. Чернишев. Ҳозирча бундан бошқа машина йўқ.

Н. С. Хрушчев. Агар ҳозирча бошқа хил машина бўлмаса, катта нобудгарчиликка йўл қўйётган машинани ҳадеб мақтай беришнинг кераги йўқ. Аммо, сиз бу машинани мақтамоқдасиз. демак, яхшироқ машина яратиш йўлидаги ҳаракатни сусайтирмоқдасиз.

Х. И. Изаксон. Биз, Никита Сергеевич, бошқаларнинг фикрларига қулоқ солмоқдамиз, лекин ўзимиз ҳам жойларга бориб, ишнинг қандай бораётганини кўриб-билиб турамиз.

Нотиқ сўзини давом қилиб айтдики, конструкторлик бюросининг коллективи комбайннинг янги типини яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу ўзи юрар комбайн эмас, балки ўзи юрар универсал шасси устига ўрнатилиб ишлатиладиган комбайн бўлади. Биз комбайнни бамисоли икки қисмга бўлдик, десак бўлади. Бу билан махсус ғалла ўриб-йиғиб берадиган машинанинг таннархи 60 процент камайтирилади. Ўзи юрар шасси устига ўрнатилиб ишлатиладиган осма машиналар трактор ва тиркаб ишлатиладиган машиналарга қараганда 20-30 процент енгилроқ бўлади.

Сўнгра, ўртоқ Изаксон дедики, машиналарни синаб кўриш билан боғлиқ бўлган масалалар қонуғасга ҳал қилинганги йўқ. Ҳозирги мавжуд тартибга кўра, синовчи конструкторга қарама-қ а р ш и қилиб қўйилган. Бундай қилиш нотўғри. Яратилаётган машинанинг юксак техника даражада бўлиши учун ва бу машинанинг сифатли ишлаши учун жавоб берадиган битта ташкилот бўлиши керак. Чала жойлари кўп бўлган машинани ишлаб чиқара бериш керак деб, тавсия қилган машина-синов станциясининг бирон марта жавобгарликка тортилганлигини билмаймиз, айниқса тавсияни кечиктириб бергалиги учун станциянинг жавобгарликка тортилганлигини билмаймиз.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Изаксон! Шундай ҳоллар бўлганлиги менга маълум: конструктор яхши машина яратиб берган бўлса ҳам, лекин унга бу машинани синовдан ўтказишни бир оз тўхтатиб туриш керак, дейишади. Бу ғапни айтган кишининг мана шундай типдаги машина устида ишлаётган, лекин бундай машинани яратишда бир йил кечикиб қолган ошнаси борлиги кейин маълум бўлиб қолади, шунинг учун ҳам тайёр машинани синовдан ўтказишни тўхтатиб қўяди, ошнасининг машинаси тайёр бўлганидан кейингина келгуси йилда ҳар иккала машина биргаликда синовдан ўтказилади. Бундай қилиш жиноят.

Х. И. Изаксон. Шундай ҳоллар ҳам бўлади.

Нотиқ айтдики, конструкторлар ва завод ходимлари коллективи тағин ҳам такомиллашган машиналар яратиб, қишлоқ хўжалигимизни шундай машиналар билан таъминламоқ учун ўзларининг бутун кучларини сарфлайдилар.

Сўнгра, Орёл область партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Ф. Игнатов сўзга чиқади.

Орёл области чорвачиликни ривожлантиришда орқада қолганлиги, колхоз кадрларини жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларида камчиликларга йўл қўйганлиги, маккажўхори экишга нотўғри муносабатда бўлганлиги учун, деди ўртоқ Игнатов, КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил декабрь Пленумида таққид қилинган эди. Область партия ташкилоти район звеноларининг, колхозлар ва совхозларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, улардан фойдаланиш ишини бирмунча яхшилади. Ҳозир область районларидаги раҳбар партия ва совет ходимларининг катта кўпчилиги олий ёки тўлиқсиз олий маълумотга эга кишилардир. Партия-совет активларидан ва қишлоқ хўжалик мутахассисларидан юздан кўпроқ тажрибали ташкилотчилар колхозларга раис ва совхозларга директор қилиб кўтарилди. Бригадирлар ва чорвачилик фермалари мудирларининг состави яхшиланди. Комсомоллардан етти минг киши чорвачиликда доимий ишлаш учун юборилди.

Ўртоқ Игнатов жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш тадбирлари ҳақида ҳам гапириб берди. Колхозлар ва совхозлар 1960 йилда маккажўхори экилган майдонни 162 минг гектарга етказдилар. Механизациялашган мингдан ортиқ звено, деди нотиқ, маккажўхори экиш билан шуғулланмоқда. Бир қанча хўжаликлар маккажўхоридан мўл ҳосил олди. Дмитров районида С. Н. Фак раҳбарлик қилаётган «Ленинское знамя» колхозининг аъзолари 500 гектар ернинг ҳар гектаридан 685 центнердан кўпроқ олдилар. Область колхозлари ва совхозлари ўтган йил ҳар бир сигирга қарийб 15 тоннадан маккажўхори силоси бостириб қўйдилар. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдори 1959 йилдагига нисбатан бир йил ичида 100 килограмм кўпайди.

Ўртоқ Игнатов илғорларнинг муваффақиятларига тўхталиб айтдики, область партия ташкилоти илғорлар тажрибасининг муваффақиятларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Ўртоқ Игнатов қишлоқ хўжалигининг резервларидан фойдаланиш соҳасида кўрилаётган чораларни айтиб бериб, органик ўғитларни юклайдиган, ташийдиган ва далаларга соладиган машиналарни тағин ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш кераклигини кўрсатиб ўтди.

Область меҳнаткашлари, деди нотиқ, етти йилликнинг учинчи йили бўлган 1961 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқдалар. Хўжаликларнинг ҳамма категориялари томонидан давлатга 51 минг тонна гўшт, 178 минг тонна сут, 36 миллион дона тухум сотилади.

Орёл партия ташкилоти, область меҳнаткашлари, деди ўртоқ Игнатов, 1961 йилда саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

Раислик қилувчи **Д. С. Полянский** Краснодар делегациясининг хатини ўқиб беради:

«Партия Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга.

Никита Сергеевич, Марказий Комитет Пленумидаги Краснодар ўлкасининг делегацияси 350 минг гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 60 центнердан маккажўхори олиш ва давлатга 150 миллион пуд ғалла сотиш тўғрисидаги маслаҳатингизни диққат билан муҳокама қилиб чиқиб, бу маслаҳатлар ва таклифларни қизғин маъқуллайди. **(Қарсаклар).**

Ўлка қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу катта ва фахрли вазифани бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Колхозлар ва совхозлар 50 минг гектар ерга маккажўхори экиб, Совет Иттифоқининг бошқа областлари учун маккажўхори уруғлиги етиштириб берадилар. Дон олиш учун ҳаммаси бўлиб 400 минг гектар маккажўхори экилади.

Ҳозир ўлканинг колхозлари ва совхозларида маккажўхори экиш билан шуғулланадиган механизациялашган звеналар тузилмоқда, уларга энг яхши ер участкалари ажратиб берилмоқда. Ўғитлар далага чиқарилмоқда, техника тайёрлаб қўйилмоқда.

Маккажўхорининг ҳар бир гектаридан 100-160 центнер дон олиш учун курашадиган ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирувчи уста бўлиб, бутун мамлакатга танилган ўртоқ Е. А. Долинюкни социалистик мусобақага чақирадиган юзлаб ва минглаб звено бошлиқлари бизнинг ўлкамизда ҳам топилишига ишонамиз. Кубанликларнинг ҳаммаси номидан Сизни бизнинг ўлкамизга келишга таклиф қиламиз.

Делегациянинг топшириғи билан — Краснодар ўлка партия комитетининг секретари Воробьев». **(Қарсаклар).**

Н. С. Хрушчев. Шимолий Кавказдаги ўлкалар, автоном республикалар ва областларнинг вакилларига мурожаат қилмоқчиман. Агар ўлкалар, республикалар ва областлар маккажўхори донини Кубань ўлкаси етиштирган миқдорда етиштиришга бел боғлаб (уларнинг шароити ҳам яхшиликда Кубанникидан қолишмайди), мисол учун 60 центнердан дон етиштириб берганларида эди, Ставрополь ўлкаси (унинг ғарбий қисми) 60 центнердан, ўлканинг қурғоқчилик бўладиган шарқий зонаси эса, 40 центнердан, ёки, ҳатто, 30 центнердан, Ростов области 40 центнердан маккажўхори дони етиштириб берганларида эди, жуда мақташга сазовор иш қилган бўлур эдилар. Сизларга биз буни ўйлаб кўринглар, деб айтаётирмиз, ўртоқлар. Ўлкалар, областлар ва автоном республикаларнинг вакиллари олдин ўйлаб кўришсин, сўнгра эса, сизлар билан биз Ростовда учрашамиз ва бу масала устида у ерда узил-кесил фикрлашиб оламиз. Мабодо, бу ерда ҳам бу хусусда бирор фикр айтсангиз, айтган фикрингизга қараб ё индамай қўя қоламиз ва бу билан ўзимизнинг рози бўлмаганлигимизни билдирамиз, ёки сизларни олқишлаймиз ва бу билан фикрингизни қувватлаганлигимизни билдирамиз. **(Қарсаклар).**

Сўз Курган областидаги «Завети Ленина» колхозининг дала мудири ўртоқ **Т. С. Мальцевга** берилади. Ўртоқ Мальцев ўз нутқини жуда катта майдонларда ғоят аҳамиятли озиқ-овқат экини бўлган ғалми бугдой экиш билан шуғулланаётган Ғарбий Сибирь ва Зауральдаги деҳқончиликнинг муҳим проблемаларига бағишлади.

Суруткасига икки йилдан бери, деди у, Ғарбий Сибирда ва Зауральда экилган ғалла кўп жойларда кузги совуқлар бошлангунча кўгиндигидек пишиб етилмаётир, Иккинчи томондан, шу ерларда бегона ўтлар кўпайиб кетиб, экинни бўғиб қўймоқда. Ғалла барвақт пишиб етилиши учун уни эртароқ экиш кераклиги ҳар бир кишига тушунарли бир нарса бўлиб кўринади. Лекин яна шу нарса ҳам тушунарлидирки, экинлар бегона ўт босиб кетмаслиги учун ғаллани эртароқ экиш хатарли бўлади, бегона ўтлар ўсиб етилишини кутиб туриб, экиш олдидан уларни йўқотиш керак бўлади.

Сўнгра, нотиқ давом қилиб дедики, Ғарбий Сибирда ва Зауральда ёзнинг биринчи ярмида одатда ёғингарчилик кам бўлади, тез-тез қурғоқчилик бўлиб туради, шу сабабли, экиш муддатларини белгилашда ҳамда кеч пишар ёки эрта пишар бугдой навларини танлашда шу муҳим фактор билан ҳам ҳисоблашишга тўғри келади. Бундай аҳволда бугдойнинг кеч пишар навлари гарчи эрта экилса ҳам, ҳар ҳолда июлда ёққан ёмғирлардан бахраманд бўлиши мумкин, аммо, эрта пишар навдан бўлган бугдой бундай ёмғирдан манфаатланолмайди.

Июлдаги ёғингарчилик бошлангунча, эрта пишар бугдой бошоқ тортиб қолади, қурғоқчилик шароитида ўсишдан тўхтайди.

Биз колхозимизда, деди ўртоқ Мальцев, бугдойни эрта экмаймиз. Бугдойни сал кечроқ экиб, унинг июндаги қурғоқчиликдан омон-эсон ўтиб олишини ва июлдаги ёмғирлардан фойдаланишини таъминлаймиз. Бугдойни нисбатан кечроқ экиш бегона ўтларни йўқотиш имкониятини туғдиради.

Колхоз бугдойнинг албатта икки навини — кеч пишар навини (25 процент) ва эрта пишар навини (75 процент) экади. Бугдойнинг кеч пишар нави бегона ўт босмаганлиги яхши маълум бўлган ерларга майнинг иккинчи декадасида экилади. Эрта пишар навлар бегона ўтлар ўсиб бўлганидан кейин майнинг учинчи декадасида экилади ва экиш олдидан бегона ўтлар йўқ қилиниб ташланади. Тоза шудгорда ҳам бегона ўтлар билан кураш олиб борилади. Ҳайдаладиган ҳамма ерларнинг бешдан бир қисми ҳар йил тоза шудгор қилиб сақланади.

Биз 12 йилдан бери ерни ўз усулимиз билан ишламоқдамиз. ва ўзимиз белгилаган вақтда ғалла экмоқдамиз. Шу сабабли, деди донгдор колхоз олими, ҳар йил қурғоқчилик бўлиб турганлигига қарамай, биз лалми бугдойнинг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 20 центнердан ҳосил олмоқдамиз. Ўтган йил 21 центнердан ҳосил олдик.

Бутун Курган области етти йилликнинг дастлабки икки йилида бизнинг методларимизни деҳқончиликда кенг қўлланди ва тузук натижаларга эришди. Ўтган йил областда дон экиларининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 15 центнердан ҳосил олинди. Область давлатга ғалла сотиш юзасидан ўзининг социалистик мажбуриятларини бажарди, икки йил ичида давлатга 166 миллион пуд ғалла сотди, шу жумладан пландан ташқари 46 миллион пуд ғалла сотди.

Менимча, дейди ўртоқ Мальцев, бир масалада ураллиқларга, сибирликларга ва қозоғистонликларга қаттиқ ёрдам бериш керак — уларни ғалла ўриш техникаси билан яхшироқ таъминлаш ва бу техникани бир районларнинг хусусиятларига мослаб ишлаб чиқариш керак. Бу районларда ғаллани мумкин қадар тезроқ ўриб олиш керак, чунки ўриш учун вақт оз бўлади. Бу районларни катта сушилка агрегатлари билан таъминлаб туриш керак, бу эса, ғаллани ўриш ва топшириш муддатларини қисқартиришга имкон беради. Ерни ишлаб берадиган қуролларни ҳам, шунингдек дуккакли экинлар ҳосилини ўриб-йиғиб берадиган машиналарни, похолни ғарамлайдиган машиналарни кўпроқ ишлаб чиқариш зарур.

Нотиқ мутахассисларнинг, айниқса агрономларнинг деҳқончиликни тўғри ташкил қилиш учун, ернинг унумдорлигини ошириш учун, ҳосил учун жавобгарлиги катта эканлигини уқтириб ўтди. Колхозчилар ўзларининг ерларини менга ишониб топширганлар, дейди ўртоқ Мальцев, мен ҳам бу ишончнинг қадрига етиб, бутун кучимни ўзим севган ишга бағишламоқдаман.

Сталино областининг Марьинский район партия комитети секретари ўртоқ **З. Н. Глухов** сўзга чиқиб айтдики, Никита Сергеевич Хрушчев бир вақт бизнинг районимизда район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган эди, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми олдидан Марьинский районининг кўп коммунистлари ва партиясиз меҳнаткашлари райкомга келиб турдилар.

Н. С. Хрушчев. Ўша вақтда секретарь фақат битта бўлар эди. Биринчи ва иккинчи секретарлар бўлмас эди. **(Залда жонланиш).**

З. Н. Глухов. Барибир биринчи.

Нотиқ сўзини давом қилиб айтдики, район меҳнаткашлари Никита Сергеевичга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик билан ишлаётганлиги учун ташаккур айтдилар ва ўзларининг шу истакларини топширишни мендан илтимос қилдилар.

Ўтган йил, деб давом қилди ўртоқ Глухов, Украинанинг бошқа районларида бўлгани каби Марьинский районида ҳам об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли, ишда қийинчилик туғилди. Бироқ, район ҳар йил агротехника талабларига қаттиқ амал қилмоқда ва муттасил мўл ҳосил олмоқда. Бу эса, чорвачиликни ривожлантиришга ва чорвачилик маҳсулотини давлатга сотишни кўпайтиришга имкон бермоқда.

Район колхозлари ўтган йил қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар юз гектар ерга ҳосиблаганда, давлатга тирик вазнда 40 центнердан гўшт ва 196 центнердан сут сотдилар. Шу билан бир вақтда чорва моллар сони кўпаймоқда.

Етти йилликнинг учинчи йилида, деб давом қилади нотиқ, районимизда дон экиларининг ҳар бир гектаридан 25-26 центнердан ва уч минг гектарга маккажўхори экиб, унинг ҳар бир гектаридан 50 центнердан ҳосил олмоқчимиз.

Н. С. Хрушчев. Илгари ҳам шунча ҳосил олганмисизлар?

З. Н. Глухов. Олганмиз.

Н. С. Хрушчев. Бўлмаса, қўрқадиган жойингиз борми?

З. Н. Глухов. Олиб келганмиз, қўрқадиган ҳеч бир жойимиз йўқ.

Н. С. Хрушчев. Украинанинг қайси области билан мусобақа қилмоқдасиз?

З. Н. Глухов. Ўзимизга қўшни бўлган Авдеевский области билан.

Сўнгра, ўртоқ Глухов колхоз ишлаб чиқаришининг раҳбар кадрларини ва айниқса ёш мутахассисларни танлаш, юқори кўтариш ва тарбиялаш соҳасида район партия комитети қилаётган ишларни Пленум қатнашчиларига гапириб берди. Бу ишда, дейди нотиқ, пастдан юқорига кўтарилаётган ходимнинг дипломигагина қараб қолмай, унинг қандай мутахассис эканлиги ва ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилишини ҳам, яъни шахсий хусусиятларини ҳам ҳисобга олмоқдамиз.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Глухов, сизларда ҳозир кунгабоқарнинг ҳосили қандай? Ярошенко ҳаётми?

З. Н. Глухов. 1959 йилда вафот қилди. Ўтган йил бизда ҳосил яхши бўлмади — 14 центнердан ҳосил олдик, бурноғи йилларда эса, 22-23 центнердан ҳосил олган эдик. 1961 йилда ҳам шундай ҳосил олишга ваъда бераман.

Н. С. Хрушчев. Бу яхши гап.

Ўртоқ Глухов ёшги ва иш тажрибаси жиҳатидан ёш бўлган бир қанча колхоз раислари ининг фаолиятини тавсифлаб, эўр иштиёқ билан колхозларда ишлаш учун келган ёш ходимларга райкомнинг ва маҳаллий партия ташкилотларининг ёрдам бериб туриши нақадар муҳим эканлигини аққол, конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди.

Нотиқ уқтириб айтдики, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан тўғри фойдаланиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин юксалтириш учун курашда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда райондаги ҳар бир колхозда 3-4 та қишлоқ хўжалик мутахассиси ишламоқда.

Бизда, деди ўртоқ Глухов, камчиликлар ҳали кўп. Бу камчиликларни йўқотиш чораларини к

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми

(Боши иккинчи бетда)

Шарқий Қозоғистон областидаги Ленин номли колхознинг раиси **Б. Китапбоев** айтадики, колхозчилар ички резервларни сафарбар қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар 1960 йилда кўклам фаслининг совуқ бўлиши, ёз ва куз фаслида ёғингарчилик бўлишига қарамай, саккиз минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 18,2 центнердан дон ҳосили олдилар. Улар давлатга пландан ташқари 27 минг центнер дон сотдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бажарилди.

Дон хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар чорвачиликни юксалтириш имконини берди. Колхоз тўрт йил муқаддам барча пул даромадларининг тахминан тўртдан бир қисмини чорвачилик маҳсулотидан олган бўлса, ўтган йили ярмини олди. Колхоз подасида 3800 қора мол, 13 минг қўй, 1200 йилқи бор. Колхозчилар маккажўхорининг ғоят муҳим эканлигини яхши тушуниб олиб, бунга эътибор берганликлари туфайли ана шу натижаларга эришилди. Бизда маккажўхори бўлмаганида, деди ўртоқ Китапбоев, қандай тирикчилик қила олишимизни ва чорвачиликни қандай ривожлантира олишимизни тасаввур қила олмайман. Ҳозирги вақтда 1100 гектар ерга маккажўхори экилмоқда. Биз кейинги тўрт йил ичида ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 500-600 центнердан думбул сўтали кўкпоя олиб келмоқдамиз. Ўтган йили Қозоғистонда қиш жуда совуқ бўлди. Лекин шунга қарамай, колхоз чорва моллари ниинг ҳаммасини сақлабгина қолмай, балки қўшни колхозларнинг икки минг бош чорва молини боқишларига ҳам ёрдам берди.

Партия ва ҳукумат колхозларга ёрдам бериш тадбирларини кўришни таклиф этмоқда, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Китапбоев, биз бу тадбирларни зўр хурсандчилик билан маъқулладик. Ана шу тадбирлар кўрилиши натижасида бизнинг колхозимиз қўшимча равишда қариб икки миллион сўм маблағга эга бўлади. Колхоз бу маблағлардан маданий муассасалар қуриш учун фойдаланади. Жумладан, колхозда типовой мактаб биноси қуриш мўлжалланди.

Н. С. Хрушчев. Мактаб биноси қуриш тўғрисида қарор қабул қилдингизми?

Б. Китапбоев. Ҳа.

Н. С. Хрушчев. Маъқул, мактаблар керак.

Нотиқ колхознинг партия XXII съезди шарафига қандай мажбуриятлар олганлиги тўғрисида гапиради. Бутун майдонинг ҳар гектаридан 120 пуддан дон олиш, етти йилликнинг учинчи йилида давлатга 15 минг центнер сут сотиш, соғиладиган сигирлар сонини бир йил ичида 400 бош кўпайтиришга аҳд қилинди.

Ўртоқ Китапбоев Пленумга таклиф этганлиги учун КПСС Марказий Комитетига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилади. Колхоз тузумини янада яшнатиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигингиз учун, деди у, КПСС Марказий Комитети Президиумига ва Никита Сергеевич, Сизга катта раҳмат.

Н. С. Хрушчев. Сизга ҳам раҳмат. **(Гулдурос қарсаклар).**

Қарсаклар билан қутиб олинган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент областидаги Киров номли колхоз пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси, бригада бошлиғи **Турсуной Охунова** ёрқин нутқ сўзлади. (Ўртоқ Т. Охунованинг нутқи газетамизнинг биринчи бетида босилган).

Кабарда-Балқар область партия комитетининг секретари ўртоқ **Т. К. Мальбахов** ўз нутқини Кавказда маккажўхори етиштиришга бағишлади.

Кавказда, — деди нотиқ, — ҳар гектар ердан бемалол 60 центнердан маккажўхори етиштириш мумкин. У ана шу қимматли экин Кавказда 100 йил илгариёқ машҳур бўлганлигини ва кабардинлар маккажўхорининг яхши сифатлари учун уни «нартух», яъни донларнинг баҳодири деб атаганликларини эслатиб ўтади. Аммо, неча ўн йиллар мобайнида ҳар гектар ердан олинган маккажўхори ҳосили 20 центнердан ошмай келди. Ана шу маррани 1958 йилда биринчи марта босиб ўта олдик. Республика ўша йили ҳар гектар ердан 43 центнердан маккажўхори ҳосили олди.

Область партия комитетининг секретари Лескен районидаги Ленин номли колхознинг раиси Камбулат Кицуевич Тарчоковнинг иши билан Пленумни таништиради. Бу киши кабардинларга маккажўхори етиштиришни ўргатишда катта ролни ўйнади. Ўртоқ Тарчоков бошлиқ колхоз 1958 йилда 1100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан дон олди. 1959 йилда ҳам яна шунча ҳосил олди ва давлатга 3 минг тонна маккажўхори уруғи берди. Ўртоқ Полянскийнинг декабрь Пленумида қилган докладида, — дейди ўртоқ Мальбахов, ана шу рақамлар келтирилганида газеталарда ишловчи ўртоқлар бунга ишонмаган бўлсалар керак ва 1100 гектар ернинг ҳар гектаридан 80 центнер ўрнига ҳар 100 гектардан 80 центнердан деб ёзадилар.

Н. С. Хрушчев. Булар ноумид кишилар, ноумидлар!

Ўртоқ Тарчоков, деб сўзини давом эттиради нотиқ, аввало ҳар гектар ердан юз центнердан ҳосил олди. У етти центнерни 80 центнерга етказди. Шу билан бирга ана шу давр ичида чорва моллар сонини, уларнинг маҳсулдорлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни ҳам кўпайтирди. Колхозчиларнинг турмуши ва маиший шароити яхшиланди. Ўртоқлар, деди ўртоқ Мальбахов, шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, Тарчоков ҳали Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эмас.

Н. С. Хрушчев. Тузатиш киритишга ижозат беринг. Ўртоқ Тарчоков Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир. Лекин у қаҳрамонлар мукофотланадиган юлдузни ҳали олганича йўқ. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Т. К. Мальбахов. Ундай бўлса сўзимни тўғрилаб айтишга ва бўлажак Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бошчилик қиладиган колхоз янада катта муваффақиятларга эришади, деб айтишга ижозат беринг.

Н. С. Хрушчев: Ўртоқ Тарчоков келгусидаги Қаҳрамон эмас, балки чинакам Қаҳрамон деб айтсам, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берувчи ўртоқлар менинг бу фикримни қувватлайдилар, деб ўйлайман. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Т. К. Мальбахов. Маъқул, Никита Сергеевич.

Ўртоқ Мальбахов коммунистларнинг республикадаги барча меҳнаткашлар билан биргаликда Кабарда-Балқарияни мамлакатнинг маккажўхори уруғи етиштирувчи катта хўжаликка айлантириш учун амалга ошираётган режалари тўғрисида Пленумга сўзлаб беради.

У республикада маккажўхори етиштириладиганлиги туфайли 1953 йилдан бошлаб, қорамол ва паррандалар сони икки баравар, чўчқалар сони етти баравар ортганлигини, турли чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш икки ва уч баравар кўпайганлигини ёрқин мисоллар билан кўрсатади.

Сўнгра ўртоқ Мальбахов маккажўхори ҳосилидан тўла фойдаланишга ҳалақит бераётган баъзи камчиликларга тўхталиб ўтади. У, тайёрлаш пунктларининг фақат маккажўхори дони учунгина ҳақ тўлаётганликлари, тайёрланган бутун маҳсулот вазнининг 22 процентини ташкил этган маккажўхори ўзаги давлатга топширилмаётганлиги каби нотўғри практикани қоралайди. Маккажўхори ўзаги тўғри келган кишига бепул тарқатилади ва печкага ёқилади. Давлат бундан зарар кўради, чунки, маккажўхори ўзагидан чорва молларга қўшимча озуқа тайёрлаш мумкин. Ҳозирги вақтда бир тонна буғдой унидан қанча спирт олинаётган бўлса, икки тонна маккажўхори ўзагидан шунча спирт ҳосил қилиш мумкин. Нотиқ тайёрлаш пунктларида маккажўхорини қабул қилиб олиш ва баҳолашнинг эскириб қолган баъзи қоидаларини ўзгартириш зарур эканлиги ҳақида гапиради. Ана шу эски қоидалар қўлланилаётганлиги натижасида маккажўхорининг таннархи қимматлашиб кетади ва мўл ҳосил етиштираётган илғор колхозлар қийин аҳволга тушиб колади.

СОВЕТ ХАЛҚИ БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИНИНГ ХОТИРАСИНИ ҲУРМАТ БИЛАН ЭСГА ОЛМОҚДА

(Боши биринчи бетда).

усулларни яратган шоир олдида қуллуқ қиламиз. Шоир ана шундай фикр-туйғу билан яшаб, халқ бадиий ижодиётининг бебаҳо намуналарини қунт билан ўрганди ва ундан шеъриятнинг жозибадор нусхалари ва усулларини олди.

Улуғ Ҳамза революция идеяларини халққа етказмоқ учун ҳормай-толмай янгидан-янги воситалар қидирди. Ҳамза томонидан ташкил қилинган ва Совет ҳокимияти учун агитация қилиш йўлида театр санъатининг ҳамма имкониятларидан фойдаланган сайёр труппа худди ана шу йўл билан бунёдга келган эди. Ҳамза ҳамма ерда ўз халқи билан бирга бўлишга интилди, Ҳамзанинг битмас-туганмас куч-ғайрати ҳамма ерда жўш уриб турди, унинг ажойиб сўзлари ҳамма ерда кишиларнинг қалбига йўл олиб турди.

Мен, дейди Н. С. Тихонов Шоҳимардонда бўлганман. Бу ер ҳозирги вақтда Ҳамзаобод деб аталади. Мен қоя тошларни ўрнидан силжитиб, тоғларни тенг бўлган зилзиладан кейин орадан кўп ўтмай шу ерда бўлган эдим. Аммо, Ҳамза бу ерда бир замонлар ҳукм сурган вахшийлик ва хўрликка табиатнинг шиддатли кучларидан ҳам қаттиқроқ зарба берди. Ҳамза хотин-қизларни паранжи ташлашга ундаган ўзининг тарихий нутқини шу ерда сўзлаган эди. У, шу ерда халқни далаларга ва боғларга ҳаёт бағишлаган канал қуришга бошлаб борди. Шоҳимардонда рўй берган ажойиб ўзгаришлар бутун Ўзбекистонда рўй берган социалистик ўзгаришларни худди ойнадагидек акс эттириб турибди.

Маяковский башорат қилиб ёзган эдики, мамлакатимизда катта қалб эгаси бўлган кишилар «пароходларга, асарларга ва узоқ умр кўрадиган бошқа нарсаларга» айланмоқда. Катта қалб эгаси бўлган улкан шоир Ҳамза ҳам ўз хотирасига мана шундай абадий ёдгорлик ясаб қолдирди. Унинг узоқ умр кўрадиган ишлари колхозлар, мактаблар, театрлар, унинг ниҳоятда кучли ва йил сайин тобора ёрқинланаётган асарларидир. Советлар мамлакатининг барча халқлари Ҳамзанинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, унинг тимсолида ҳозирги авлод учунгина эмас, балки келгуси авлод учун ҳам ажойиб инсонни кўриб турибдилар.

Пировардида Н. С. Тихонов ўзи рус тилига таржима қилган Ойбекнинг Ҳамза ҳақидаги поэмасидан парча ўқиб берди.

ТИЛЛАРДА ДОСТОН БЎЛИШГА АРЗИРЛИ УМР

Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари **К. Яшин**нинг Союзлар Уйининг Колонна зали минбарида туриб қилган доклади Ҳамза ҳақидаги илҳомбахш сўз бўлиб янгради.

Ўзбекистон адабиёти тарихида деб уқтириб ўтди у, халқ орасида севилган, унинг революцион қураши билан маҳкамроқ боғланган шу номдан кўра бошқа ном йўқ, деса бўлади. Ҳамза Ленин гвардиясининг биринчи сафларида бориб, ўз қалбининг бутун ҳароратини, ўз ақл-идрокининг бутун кучини ва ўз истеъдодининг бутун куч-қудратини халқни озод қилиш ишига бағишлаган. Горький ва Маяковскийнинг замондоши бўлган Ҳамза Ўрта Осиё меҳнаткашларининг кўз олдида ана шу улуғ рус ёзувчилари билан бир сафда гавдаланди. Биринчи ўзбек совет шоири ва прозаики, драматурги ва композитори бўлган Ҳамза тилларда достон бўлишга арзирли умрни кечирди. Бу умр ҳозироқ ўз-ўзидан давр ёдгорлиги бўлиб қолди.

Ҳамза ҳали ёшлик чоғларидаёқ ўз халқига ёрдам бериш, унинг кўзини очишдан иборат жўшқин ва олижанов куч-ғайратга тўлиб-тошган эди. Унинг ёшлик чоғларидаги ҳақиқат сари интилишлари нақадар машаққатли ва мураккаб бўлмасин, ана шу интилиш марксизм-ленинизм гениал таълимоти билан ёритилган бирдан-бир тўғри йўлни кидириб топишда унга ёрдам берди.

Ҳамза руҳонийлар йўлидан боришдан воз кечиб, йигитлик чоғидаёқ ўз олдига асосий мақсадни қўйди ва бутун умрини шу мақсадга бағишлади. У, Лев Толстой сингари жонажон халқига ёрдам берди, ўзи ташкил қилган мактабларда камбағалларнинг болаларини ўқитди ва улар учун дарсликлар ёзди. У, шеър, ашула ва драматик асарлар ёзиш билан халққа ёрдам берди. Унинг бу асарлари манфур самодержавиени фош қилиб ташлади. Оддий меҳнаткашларнинг муҳтожлигида, авомлиги ва ҳуқуқсизлигида айбли бўлган кишиларга қарши ҳар қандай воситалар билан курашишга қатъий қарор берганлиги Ҳамзанинг хорижий Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган саёҳатидан кейин унинг қалбида тағин ҳам мустаҳкам ўрин олди. Ҳамза таъқиб остида қолганидан кейин хорижий Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафар қилишга мажбур бўлган эди. Ўз юртида бўлгани сингари у ерларда ҳам асоратга солинган миллион-миллион кишилар ва бир ҳовуч золимлардан иборат дунё унинг кўз олдида намоён бўлди.

«Камбағал — бой бўлиши, мағрур шоҳ — гадо бўлиши мумкин!» Чориздмнинг ва унинг тарафдорлари — беклар ва бойларнинг муқаррар ҳалокати бадиий тарзда ифодаланган бу сўзларни Ҳамза 1914 йилдаёқ ёзган эди. Ҳамза асрий қуллик кишанларини парчалаб ташлаган Октябрь революциясини, Советларни, халқлар озодлигини, меҳнат тантанасини улуғлайдиган жўшқин сатрлар билан қутиб олади. Унинг «Ҳой-ҳой отамиз!», «Эркингни қўлдан берма!», «Яша шўро!», «ҳой ишчилар!», сингари машҳур шеърлари революцион жангчиларнинг бомба ва қўшиғи, найза ва байроғи бўлди. Шу даврдаёқ драматург ва истеъдодли режиссёр сифатида майдонга чиққан Ҳамза ўзининг «Бой ила хизматчи» номли ўлмас пьесасини яратди. «Совет драматургияси» номли кўп томли тўплам ана шу пьеса билан бошланади. Бу пьеса ва ўзбек совет театрини бунёдга келтирган бошқа бир қанча асарлар Ўрта Осиё театрларининг саҳналарида қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён муттасил кўрсатиб келинмоқда.

Туркистонда социализм идеяларининг энг яхши агитаторлари ҳамда пропагандистларидан бири бўлган Ҳамза ўз табиати жиҳатидан Октябрь ғалабалари учун олиб борилган курашда бевосита иштирок этмасдан қололмас эди. У, солдат шинелини кийиб, революция душманларига қоҳ жангчи милтиғи билан, қоҳ ёзувчи қалами билан, қоҳ оташи сўзлари билан аёвсиз зарба берди. Унинг жуда кўп шогирдлари ва у бошлаган ишнинг давомчилари—адиблар, артистлар, режиссёрлар, композиторлар гражданлар урушининг дахшатли йилларида унинг кетидан бордилар.

Буюк жангчи ва гражданин бўлган Ҳамза, ҳамманинг эътиробича, замонамиз шиорининг идеалидир. У, ўзининг бутун фаолиятини турмушни қандай ўрганиш ва унда ижодий қатнашишнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Ҳамза ўз тимсолида улкан адиб ва катта жамоат арбобининг хислатларини мужассамлаштирди. Ёзувчи Шоҳимардонда Ленин ҳайкалининг лойиҳасини яратди ва шу ҳайкални очиш маросимида оташин нутқ сўзлади. Ҳамза хотин-қизларни озодликка чиқариш учун курашди ва неча юзлаб ўзбек хотин-қизлари чачвон-паранжиларини ўтга ташладилар. У деҳқонларни суғориш каналлари қазишга даъват этиб, улар билан бирга оддий ишчи сифатида ишлади. Ҳамза уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов билан биргаликда Фарғона водийсида биринчи колхозни ташкил қилди. Ҳамза янги маданият байроғини биринчи бўлиб баланд кўтарди. У ҳар ерда ва ҳамиша олдинги сафда борди. Шу сабабдан у «ўзбек халқ ёзувчиси» деган юксак фахрли номга республикада биринчи бўлиб мушарраф бўлди.

Марксизм-ленинизм идеяларини ўзбек адабиётига олиб кирган, бу адабиётни социалистик реализм методлари билан бойитган Ҳамза юксак партиявийлик руҳида, мазмунан социалистик ва шаклан чинакам миллий асарлар яратишнинг ажойиб намуналарини кўрсатди. Ҳамза ўзбек классик адабиёти ва фольклорининг энг яхши традицияларини давом эттириб, чинакам интернационализм позицияларида маҳкам турди ва миллий чекланиш доираларини бузиб ташлади.

Ҳамза ўзидан олдин ўтган ва ўзбек халқини илғор рус маданиятига яқинлашишга даъват этган Муқимий ва Фурқат сингари демократ шоирларнинг байроқларини баланд кўтарди ва олға олиб борди. У улуғ рус халқи ёзувчиларидан воқеликни чуқур ва моҳирлик билан акс эттиришни, революцион пафосатни ўрганди. Ҳамза татар, озарбайжон, қозоқ, туркман, тожик адабиётлари ва кўп миллатли Ватанимиздаги бошқа халқлар адабиёти вакилларининг энг яхши ижодиёти билан ниҳоятда қизиқди. Халқлар дўстлигининг ҳаётбахш идеялари ажойиб асарлар яратишда унга ёрдам берди. Ҳамза шу идеяларни ҳормай-толмай пропаганда қилди ва маҳорат билан қуйлади.

Коммунист шоир Ҳамза ҳамиша партия ва халққа шу топда, шу бугун, шу дақиқада нима керак бўлса, шу ҳақдагина ёзди. Ҳозирги замоннинг энг ўткир, энг ҳаётий темалари уни тўлқинлантирди. Ҳамза асарларининг беқиёс актуаллигининг сабаби ҳам ана шундадир. Масалан, Ҳамзанинг шармандали мустамлакачилик системасининг муқаррар емирилиши ҳақидаги фикрлари, Осиё ва Африка халқларининг тез орада империалистларнинг асоратидан ҳалос бўлиш ҳақида бундан ўттиз йилдан кўпроқ вақт илгари «Жаҳон капитализмининг сўнгги кунлари» номли аллегорик пьесада ифодалаган фикрлари бизнинг кунларимизда ҳам янада янграмоқда.

Ҳамза халқ ҳақида, унинг ўз бахт-саодати учун олиб борган кураши ҳақида, халқнинг шу курашда қозонган ғалабаси ҳақида баралла қуйлади. Революция душманларининг Ҳамзани ёмон кўришларининг сабаби ҳам шунда эди. Шу сабабдан ҳам бир ҳовуч қутурган реакционерлар буржуазия миллатчиларининг ёрдами билан ажойиб ижодий кучи равнақ топган бир даврда шоирни вахшийона ўлдирдилар. Аммо ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам Ҳамза бўш келмади. Уни тошбўрон қилишди. Лекин у Горькийнинг Данкоси сингари қаддини баралла ростлаб, ўзининг ёниб бораётган қалбини узиб олди. Шу қалб алангасидан ёйилган нур душманларнинг кўзини кўр қилиб, ҳамма қоронғи бурчакларни ёритди. Душманлар Ҳамза кўрсатган жасоратни хиралаштира олмадилар.

Ҳамза ўзининг ўлмас асарлари, да, совет халқининг қаҳрамонона ишларида яшамоқда ва абадий яшайди. Ҳамза асос қўйган ва ўзбек совет адабиёти тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган традицияни Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Зулфия ва кўпгина бошқа ўзбек ёзувчилари муваффақият билан давом эттириб, ижодий жиҳатдан ривожлантирмоқдалар. Улар Ҳамзанинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида «Муваффақиятларимизнинг гарови, мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши партия билан бирга бўлишдадир» деган доно сўзларини ифтиҳор билан такрорламоқдалар. Ҳамза бошлаган иш Ўзбекистоннинг театр ва музика санъатида ҳамда миллий маданиятнинг бошқа соҳаларида самарали ривожланмоқда.

Кўп миллатли буюк совет адабиётининг қаҳрамонона тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг номи ҳар қандай катта истеъдод эгаси бўлган кишиларнинг номлари сингари ўзига хос ва беқиёс номдир.

Бугун, деди залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида К. Яшин, Москвадаги «Ромэн» театрида Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» номли ҳажвий комедияси кўрсатилмоқда. Биз севикли шоиримизнинг ана шу ажойиб асари билан москваликларни таништиришни аҳд қилган театр артистларига ва унинг режиссёрларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ҲАҚИДА КУЙЛАНГАН ЎЛМАС ҚУШИҚ

Атоқли рус шоири **Константин Симонов** минбарга чиқади. У кейинги бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда яшаб, Ҳамза ижодиётининг ва Ҳамза традициясини давом эттираётган бошқа кўпгина ёзувчилар ижодиётининг миллий хусусиятлари билан чуқур танишди.

Бугун, деди у, замонамизнинг истеъдодли ўзбек шоири Ҳамза туғилган куннинг етмиш йиллигини нишонлар эканмиз, унинг ижодий биографияси бутун совет адабиётида энг қаҳрамонона биографиялардан бири деб дадил айта оламиз. Ҳамза асарлари кўп йиллар давомида ёзувчиларимиз ва олимларимиз томонидан қунт билан ўрганилди, чунки унинг асарларидаги жамики нарсалар кишини ҳайратда қолдиради ва тўлқинлантиради. Унинг шеърлари ва ашулалари кўп йиллар давомида қайта-қайта ўқилаберади. Чунки бу шеър ва ашулаларда ажойиб инсон ва ажойиб шоирнинг тимсоли кўз олдимизда гавдаланади.

Ҳамзанинг улуғворлигини яна шунда ҳам кўриб турибмизки, у асос қўйган социалистик реализм шонли традициялари ҳозирги замон ўзбек адабиётида яшамоқда ва мустаҳкамланмоқда. Ўзбек шоирлари шу традицияларга амал қилиб, жумладан, ҳозирги вақтда кишиларга жўшқин муҳаббат ҳамда Осиё ва Африкадаги эркпарвар халқларнинг мустамлака асоратига қарши олиб бораётган кураши ҳақида озодлик душманларига нафрат руҳи билан суғорилган ажойиб шеърлар ёзмоқдалар.

Ҳамза халқлар дўстлиги ҳақида ўлмас қўшиқ яратди, деб хитоб қилди ганғли озарбайжон ёзувчиси **Мирза Ибрагимов.** Ҳамза орамиздан кетганига ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам, уни ўлган дейишга тилинг бормайди. Шу топда ҳаммамиз ҳам ўзимизни Ҳамза шу залда ёнимизда ўтиргандек ва кўп миллатли кучли адабиётимизнинг тақдири ҳақида катта қизғин суҳбат олиб бораётгандек ҳис қилмоқдамиз.

Биз ҳозирги вақтда яшаб ҳис қилаётган жуда кўп нарсаларни Ҳамза ўзининг беқиёс асарларида олдиндан кўра билгани туфайли ана шундай туйғу туғилган бўлса керак. Коммунизм ғалабаси йўлида жўшқин ижодий меҳнат қилинаётган замонамизда биз бундан кўп йиллар муқаддам бўлгани сингари, унинг «Зиндиликда олға томон интилмаслик—шармандаликдир» деган сўзларини мафтун бўлгандек такрорламоқдамиз. Биз олға томон интилаяпмиз, барпо этаяпмиз, ижод қилаяпмиз.

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесасидаги Жамила образи менда нақадар катта таассурот қолдирганлиги эсимда. Одатдан ташқари маънавий гўзалликка эга бўлган бу жувон пьесада ҳалок бўладию, лекин авторнинг ажойиб кучи билан у ҳаётда тирилади. Умумхалқ коммунистик қурилишининг қаҳрамонлари бўлган мингминглаб ўзбек қиз-жувонларида Жамила образи ўз ифодасини топди. Масалан, ўзбек қиз-жувонлари орасида биринчи бўлиб пахта териш машинаси рулини ушлаган ва қиз-жувонлар армиясини ўз йўлидан эргаштирган пахтачиликнинг донгдор устаси Турсуной Охунова тимсолида Жамилани бутун қалб бойлиги билан кўриб турибмиз.

Биз Ҳамзадан жуда барвақт жудо бўлган бўлсак ҳам, унинг яратишга улгура олган ҳамма асарлари ўлмас илҳом билан суғорилгандир. Унинг ашула ва драмалари қайси бир тилда ўқилмасин, ўқувчини худди оҳанграбо каби ўзига тортади.

ҲАМЗА АСАРЛАРИ АБАДИЙ ЯШАЙДИ

Шу кечада ҳозир бўлганлар Ҳамзанинг энг яхши шеърий асарларини ўқиб берган шоир ва артистларнинг чиқишларини гулдурос қарсаклар билан қутиб олдилар. Бу қувончли дақиқа ҳаммадан кўра Ҳамза учун тикланган поэтик ёдгорлик бўлди.

Рамз Бобожон Ҳамзанинг «Яша шўро!» шеърини ҳаяжон билан ўқиб берди. Моссовет номидаги театрнинг артисти Абрам Петросян шу шеърни ҳаяжон билан рус тилида ўқиб берди. Уйғун Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеърини ўқиб берди. Бадиий сўз усталари Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати Маргарита Саричева шу шеърни рус тилида ўқиб беради. Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Иван Русинов Ҳамза шъерларини маҳорат билан ўқиб бериб, бу ердаги тингловчиларни хурсанд қилди.

Сўнгра Ўзбекистоннинг энг яхши санъат усталари иштирокида буюк ўзбек шоирига бағишланган катта концерт берилди.

Концертда Совет Иттифоқи халқ артистларидан Ҳалима Носирова, Муқаррама Турғунбоева, Ўзбекистон ССР халқ артистларидан Насим Хошимов, Саттор Ярашев, Галия Измайлова, республикада хизмат кўрсатган артистлардан Бернора Қориева, И. Фоменко, Клара Юсупова, Карим Алиев, Навоий номидаги театр солистларидан Рафоат Кучликова, Валентин Рябухин, Генрих Исаханов, Жаҳон ёшлари олтинчи фестивалининг лауреатлари Фозил Ҳарратов ва Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистон давлат филармонияси солистларидан Эргаш Шукруллаев ва Раббим Ҳамдамов, «Баҳор» халқ рақслари ансамбли қатнашдилар. Концерт программасини Муқаддам Қориёқубова олиб борди.

Уч соат давом этган концерт зўр муваффақият билан ўтди. Ижрочилар ўз номерларини адо этганларидан кейин бир неча мартадан саҳнага чиқдилар.

Союзлар уйининг Колонна залида ҳозир бўлганлардан ташқари Москва ва мамлакатдаги бошқа шаҳарларнинг миллион-миллион аҳолиси ҳам ўз телевизорлари орқали бу концертни томоша қилдилар. Бу концерт Бутуниттифоқ радиоси орқали ҳам олиб эшиттирилди.

Е. МАЙОРОВ.
(ЎзТАГ махсус мухбири).
Москва.

Катта ўзгаришлар

Оҳангарон шаҳар Қорахитой поселка Советида маҳаллий Советларга сайлов олди тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Поселка Советида ташкил этиладиган 4 та сайлов участкаси учун энг яхши биноларни ажратилди. Поселкадаги ўқитувчи, агроном ва бошқа зиёлилардан иборат 58 кишилик агитаторлар аҳоли ўртасида совет сайлови системасининг дунёда энг демократик сайлов системаси эканлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Ўтган сайловдан бери поселка Совети ишида бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилди. Ўнгут ва Ялпоқ тепа қишлоқлари электрлаштирилди, 200 дан ортиқ ишчи янги уйларга кўчиб кирди.

Поселка Совети касалхонасидаги ўринлар 15 тадан 35 тага кўпайди, поселкада алоҳида туғруқхона очилди, Ўнгут ва Ялпоқ тепа қишлоқларида қурилабошлаган соғлиқни сақлаш пунктлари яқин орада битади.

Депутатлар ташаббуси ва ишчиларнинг ўз кучи билан поселка ва қишлоқ кўчаларига шағал тўкилди. Шунингдек поселкадаги 1 та ўрта 4 та саккиз йиллик мактабда машғулотлар бир сменага кўчирилди.

Ўзбекистон трактор-йиғув заводида энг такомиллашган механизм ва аппаратлардан самарали фойдаланилмоқда. Суратда: завод марказий лабораториясининг лаборанти В. Субҳонқулова «МИМ-7» микроскопида металл структурасини аниқлаётир.

М. Комлев фотоси.

Ёшлар—билим чўққиларига!

Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳар олтитасидан икки киши ўқимоқда. Бу мақсадда республикада 6.392 та умумий таълим мактаби, 79 та ўрта махсус ўқув юрти ва 31 та олий ўқув юрти очилган. Кечки ва сиртқи таълим кенг ривожланган.

Кечқурун, меҳнат куни тамом бўлганидан кейин заводларда, фабрикаларда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда қариб 75 минг йигит ва қиз мактаб парталарига ўтирадилар, билим чўққиларини эгаллайдилар. Кейинги беш йилнинг ўзида 40 минг ёш ишчи ва колхозчи етуклик аттестати олди ҳамда уларнинг анчагина қисми ҳозир кундузги ва сиртқи олий ўқув юртларида ўқишни муваффақиятли давом эттирмоқда.

Республикада умумий таълим ҳақидаги Қонунни бажариш учун ҳамма ишлар қилинганми? Ишчи ва қишлоқ ёшлари кечки мактабларининг фаолиятини янги, янада юксакроқ даражага кўтариш учун, ҳамма қизларнинг тўлиқ ўрта маълумот олишлари учун нималар қилиш керак?

Комсомол ташкилотлари, халқ маорифи органлари ва бошқа муассасалар ҳамда бошқармалар ходимларининг Тошкентда бўлган республика кенгашида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Кенгашнинг ҳамма қатнашчилари шу нарсани якдиллик билан қайд қилдиларки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги қонунинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги қарори республика мактаблари фаолиятини яхшилашда муҳим босқич бўлади.

Ўзбекистон ССР маориф министри ўртоқ Э. Қодиров ўз докладида ўқув юртларида 1950-51 ўқув йилидагига нисбатан қизлар сони кескин ошганлигини айтди. Эндиликда қизлар мактаб ўқувчиларининг ярмига яқинини ташкил қилади. Кейинги ўн йил ичида 7- ва 10-синфларни тамомлаб чиққан ўқувчилар сони кескин кўпайди. Бу ўсиш ўзбек қизлари ўртасида айниқса сезилардидир. Шу даврда 10-синфни тамомлаган ўзбек қизларининг сони 7,5 баравар кўпайди.

Кенгашда Ўзбекистон меҳнаткаш хотин-қизларини давлат, хўжалик ва маданий фаолиятга актив жалб қилишда мактабнинг ғоят катта роли кўрсатиб ўтилди. Қуйидаги фактлар бунинг ёрқин далилидир. Республикада юз минг хотин-қиз олий ва ўрта махсус маълумотга эга, улардан беш минг киши инженер, ўн минг киши техник, ўттиз уч минг киши ўқитувчидир.

Республика партия ташкилотлари, маҳаллий Советлари ва халқ маорифи органлари жамоатчиликнинг ташаббусига таяниб, мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиш юзасидан катта тадбирларни амалга оширдилар. Шу мақсадда 1.720 маъмурий ва бошқа бинолар синфхоналари учун бўшатиб берилди ҳамда қўшимча тарзда 5 минг синфхоналари қурилди. Бундан ташқари, колхозлар ўз маблағлари ҳисобига 168 та типовой бино қуриб олдилар. Бу тадбирларнинг ҳаммаси 1960-1961 ўқув йилида ҳамма мактабларнинг 92 процентидан кўпроғини бир сменали машғулотга ўтказиш имконини берди. Ҳозир республикада ҳамма мактабларни 1961-1962 ўқув йили бошлангунча бир сменали машғулотга тўла ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Етти йиллик мактабларни саккиз йиллик мактабларга айлантириш иши тугалланмоқда.

ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

□ □ □

Бухоро областидаги Ғиждувон райони умумий таълим ўтгрисидаги Қонунни амалга оширишда ва ўқувчиларнинг ўқишни ташлаб кетмаслигига эришишда халқ маорифи органлари, комсомол ва маҳаллий Советларнинг биргаликда иш олиб боришларини кўрсатувчи яхши намуна бўла олади. Бу ерда мактаб ёшидаги ҳамма болалар ўқишга жалб қилинган Андижон районининг педагогика коллективлари ва партия-комсомол ташкилотлари ҳам бу соҳада катта иш қилдилар.

Ўқувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари йил сайин камаймоқда, Бироқ бу жиддий камчилик ҳали ҳам сусткашлик билан бартараф этилмоқда. Бунинг сабаби шуки, айрим партия, совет, комсомол органлари умумий таълимни амалга ошириш учун ва умумий таълим мактабларида қизларни, айниқса маҳаллий миллат қизларини ўқитиш ва тарбиялаш ишидаги жиддий камчиликларни тугатиш учун жиддий кураш олиб бормаётирлар. Натижада маҳаллий миллат қизларининг бир қисми ўрта маълумот ва ҳатто етти йиллик маълумот олмасдан мактабни ташлаб кетмоқда. Халқ маорифи органлари ва комсомол қўмитетлари умумий таълим қонунини бузувчиларга қарши қатъий курашга жамоатчилик эътиборини жалб қилмаётирлар, ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини сust олиб бормоқдалар.

Кенгаш қатнашчиларининг фикрича, мактаб тармоқларининг болалар яшайдиган жойдан узоқда нотўғри жойлаштирилиши ўқув процессига жидд

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

НУКУС, (ЎзТАГ). Бу ерда республика ва шаҳар партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш Москва Кенгашининг якунларини муҳокама қилди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари А. Завьялов шу масала юзасидан доклад қилди.

Йиғилиш қабул қилган резолюцияда Кенгаш ҳужжатларини қизғин маъқуллади. Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома юбордилар.

ЗОМИН ЧЎЛИГА СУВ КЕЛДИ

ОБРУЧЕВО, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Жанубий Мирзачўл каналидан оқаётган сув асрлар бўйи қовжираб ётган Зомин чўлларига ҳам жон киритмоқда. Бу ерда янги ташкил этилган совхоз ишчилари ариқлар қазиб, чанқаб ётган ерларга тарихда биринчи марта сув етаклаб келдилар.

Сув келиши билан кўкламга тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Қудратли техника асрлар бўйи ўз кучини сир сақлаб келган бўз ерларнинг бағрини ёриб, зовурлар қазимоқда. Булар орқали сизот сувлар қочирилади. Шунингдек, зовурлардан ернинг шўрини ювиш учун фойдаланилади.

Зомин чўлида бу йил икки совхоз 20 минг гектар ери ўзлаштиради. Кўкламда янги ердан 1.400 гектарига чигит ва 2100 гектарига бошқа экинлар экилади. Чўлга хужум бошлаган азаматлар ҳозир ўзлаштирилаётган янги ерларни запас суғоришга киришдилар.

ЯХШИ ОРЗУГА ОҚ ЙЎЛ

РЕПОРТАЖ

Қаршида республика ва ҳатто Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик корхона —керамика блоклари заводи қурилмоқда. Бу корхона халқ хўжалиги учун энг зарур бўлган маҳсулотлар, чунончи пишиқ ғишт, керамика блоклари, шунингдек енгил бетон ҳамда ўтга чидамли материаллар ишлаб чиқаради. Янги завод ишга тушгач йилига 28 миллион дона пишиқ ғишт ҳам ишлаб чиқаради. Қашқадарё чўлларида қурилиш ишларини янада авж олдириш имкони кенгаяди, бинокорлик материаллари мўл-кўл бўлади. Ана ўшанда кўрибсизки, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янги туса киради, обод ва кўркамлашади...

Биз завод бино этилаётган жойга бордик. Бўлажак корхона учун ажратилган майдон 50 гектардан кўп. Қурилиш бош инженери ўртоқ Коломейц улкан корхона тўғрисида ҳаяжон билан сўзлайди.

— Бу жойлар, ўзингиз биласиз, тал-тақир чўл эди. Мана энди, кўриб турибсиз, чўл чекиниб, ўрнини индустрияга бўшатяпти. Буларнинг ҳаммаси партия ва совет халқининг азми билан ўрёбга чиқади.

Давлат бу улкан корхона қурилиши учун 2,2 миллион сўм (янги пул билан) маблағ ажратган. Ўтган йил ана шу маблағнинг каттагина бир бўлаги сарфланди. Одатда, бизда, катта иншоотлар қурилиши бошланганида, аввало уни бунёд этадиган азамат ишчиларга, инженер-техникларга яхши шароит яратиб берилади. Керамика блоклар заводи қурилишида ҳам худди шундай қилинаётир. Бу ерда ҳар бирида 12-18 хўжалик истиқомат қиладиган 8 та икки қаватли бино қад кўтарди, яна қанчадан-қанча шунақа мухташам binolar кўкка бўй чўзиб боряпти. 100 қишлик ётоқхона битай деб қолди. Бу бино тамомила янгича тартибда қурилган. Унда алоқа бўлими, омонат-касса, буфет, меҳмонхона ва бошқа муассасалар учун алоҳида хоналар ажратилган. Ўй буғ билан иситилади.

Биз ётоқхона қурилаётган жойда меҳнатсевар, ўз касбининг чинакам устаси дурадгорларни учратдик. Улар пол ва шипни пардозлаб, эшик ва деразаларни ўрнатаётган эдилар. Бригадир ўртоқ Қорёғди Қўзиев билан суҳбатлашдик. У ўзи бошлиқ бригадада Қаҳрамон Иброҳимов, Қўлдош Султонов, Шавкат Холиқов ва Миннулла Нафиқов сингари моҳир дурадгорлар ишлаётгани, ҳаммаларининг ҳам баракали меҳнат қилаётганлигини айтди. Ишчилар посёлкасини тезроқ қуриб бериш — бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир бинокорнинг шиори, истаги, мақсади мана шу!

Шу кунларда заводнинг асосий маҳсулот берадиган манбаи— бош корпусда гоят катта ва мураккаб ишлар бажарилмоқда. Бош корпуснинг эни 18 метр, узунлиги эса роса 500 метр! Унда пресслаш қуритиш, юклаш, ҳавони қизитиш, қозон, туннель, тайёр маҳсулотлар омборн ва шунга ўхшаш жами 12-та йирик цех бўлади. Ҳозир ана шу цех деворларининг пойдевори қўйилмоқда Булардан ташқари енгил бетон ва ўтга чидамли блоклар цехи ҳам қурилаётир.

Қозон цехида ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Султон Ўроқов билан ишларнинг борши ҳақида суҳбатлашиб қолдик.

— Бригадамизда 22 киши бор. Уларнинг ҳар бири 4-5 касбнинг эгаси! Танишинг, бу киши ўртоқ Умид Қличев бўладилар. У ғишт теришда тенги йўқлардан; бетон қуйишда, арматура тайёрлашда, сувоқ қилишда ҳам пешқадам Мансуров, ёрдамчи ишчилардан Бобожонов ва Норхўжаев ўртоқлар ҳам шунақа, қўли гул бинокорлардан. Бизда смена нормасини бажармайдиган, тўғрироғи ошириб бажармайдиган биронта ишчи йўқ. Шу боисданки, ҳамиша ишимиз беш, ойлик планни муттасил 180-200 процент адо этмоқдамиз. Яқинда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ўзгартирилди. Ишчиларимиз бундан катта манфаат кўрадилар, албатта. Масалан, илгари бир квадрат метр ғишт терган бинокор 1 сўм 70 тийин ҳақ оларди. Ҳозир эса 2 сўм 50 тийин (янги пул билан) ҳақ тўланяпти. Қўлимиздаги ишни икки-уч ҳафта ичида бажариш ниятимиз бор...

Ўртоқ Ўроқов дўстлари, иш тўғрисида гапирди-ю, лекин ўзи ҳақида бир оғиз бир нима демади. Бунинг сабабини кейинроқ билиб олдик. Унинг бригадаси қуритиш цехида ишлаётган Салим Сафаров бошлиқ бригада билан мусобақадош экан. Ўртоқ Сафаров раҳбар бўлган коллектив коммунистчасига ишлаш, ўқиш ва яшашнинг ажойиб намунасини кўрсатаётган экан. Шу туфайли, юксак унвон — коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олибди. Султон Ўроқов ҳам ана шу шарафли номни олишга астойдил бел боғлаган.

Заводда ана шундай улуғ орзулар билан яшаётган электр монтажчилар, бетончилар, алоқачилар, шофёрлар, канализациячилар ва бошқа касб эгалари жуда кўп. Куни кеча ўртоқ Бобоёр Эшимов бошлиқ бригада аъзолари иккинчи қозон цехи қурилишини бошлаб юбордилар. Уларнинг бири бетон қабул қилмоқда, Тоштурди Аҳмедов эса опалубка қўймоқда. Шоҳи Худойқов бетон ўлчаётган бўлса, Саид Очилов машина билан ер қазияпти. Хуллас ҳамма ўз постида, ўзига топширилган ишни пишиқ, пухта, кўримли қилиш пайида...

Ишнинг муваффақияти кўпинча ишбиларман, қобилиятли, моҳир иш бошиларга ҳам боғлиқ. Янги завод бино этилаётган жойда ажойиб ишлаб чиқариш командирларини учратдик. Бош прораб Николай Петров, қурилиш техниги Николай Филаретов, қурилиш мастери Димитрий Григоревич Груби ана шундай кишилардандир. Қурувчилар буларнинг ишидан миннатдор. Прораб, техник ва қурилиш мастери ҳамма ишга ижодий қарайдилар, бинокорларнинг талаб ва эҳтиёжига сидқидиллик билан қарайдилар

Корхона қурилиши кун сайин эмас, соат сайин кенгайиб бормоқда. Яқинда 700 метр масофада темир йўл изи ётқизилди. Қашқадарё ёқасида артезиан қудуғи қазилган. Ундан фонтан бўлиб зилол сув чиқиб турибди. Шу ердан заводгача бўлган 2700 метр масофада траншея қазилиб, водопровод трубалари ётқизилди. Бўлажак корхона территориясининг 8 жойида водопровод колонкалари тахт қилинди. Кўчма электростанция бутун қурилишга нур бериб турибди.

Улкан қурилишдан қайтаётиб, завод қурилиши директори Ёқуб Ортиқбоев билан учрашиб қолдик. Иши яхши бораётганлигиданми, унинг чеҳраси очиқ, гаплари ёқимли, бийрон эди.

— Ишларимиз тез одим ташламоқда. Бош корпусдаги энг қийин ишлар асосан бажарилди. Энди навбат механизмга... Кўтарма кранлар, ҳар хил насосларни ўрнатиш керак. Буни ҳам эплаймиз, чунки бизда иродаси мустаҳкам, ҳормас-толмас кишилар бор. Ишимиз бундан кейин яна ҳам қизиб кетади. Биз шонли партиямиз XXII съезди очиладиган кунгача заводни ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Бунинг учун барча ички имкониятларни, мавжуд резервларни ишга соламиз...

Бу яхши орзу. Биз директорнинг, шунингдек, завод қурилишида қатнашаётган ҳар бир ишчининг ана шу тотли орзуларига оқ йўл тилаймиз.

Маннон ТЎЛАНОВ.

Қарши.

САНОАТГА РАҲБАРЛИК КОНКРЕТ БЎЛСИН

АНДИЖОН ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

АНДИЖОН («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Андижон шаҳри республикамизнинг йирик саноат марказларидан бири. Бу ерда машинасозлик корхоналаридан «Строммашина», «Андижонирмаш», «Коммунар» заводлари, енгил саноат, кимё ва озиқ-овқат саноат корхоналари мамлакатимизга кўплаб хилма-хил маҳсулот бериб турибди. «Строммашина» заводининг дизель насослари 20 дан ортиқ чет мамлакатга жўнатилмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдорлари бригадалари ва корхоналари номини олиш учун 11 минг ишчи, 370 бригада ва 19 корхона курашмоқда. 72 бригада ва 7 цехга коммунистик меҳнат коллективи номи берилди.

Андижон саноати 1960 йил программасини ялпи маҳсулот бўйича 105 процент бажарди. Консерва, ҳамда сут заводлари, Володарский номли тикувчилик, пойафзал, мебель фабрикалари, ёғ-мой комбинати ва бошқа бир қанча корхоналар йиллик планларни муддатидан анча илгари адо этиб, бултур 43 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот берди.

Шаҳар партия ташкилотининг 24 конференциясида докладчи, шаҳарком секретари Э. Ашуров ва сўзга чиққан нотиқлар ана шу муваффақиятлар ҳақида гапириш билан бирга саноат корхоналари ишидаги камчиликларни очиб ташладилар.

Конференцияда асосий эътибор планнинг умуман бажарилиши билан оқлаб бўлмайдиган штурмачилик, исрофгарчилик, муҳим иқтисодий кўрсаткичларнинг кўпи бажарилмай қолаётгани, ускуналардан яхши фойдаланилмаётгани, резервлар тўла ишга солинмаётганига қаратилди.

«Строммашина» заводининг адр ерларга сув чиқарадиган дизель насослари чет элларда ҳам машҳур. Ана шу йирик корхона кейинги вақтларда ниҳоят даражала оқсаб қолди. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг ҳисобот докладида ва, делегатларнинг нутқларида кўпгина фактлар келтирилди. Завод директори Раҳимов ва партбюро секретари Александров ўртоқлар катта корхонага раҳбарликни уддалолмаётирлар. Завод озиқ-овқат саноати учун жуда керакли 145 компрессорни ва бир неча дизель насосини планда мўлжалланганидан қам берди.

Хўш сабаб? Бундай ачинарли аҳволнинг сабаби—корхонага қарийб икки йилдан бери раҳбарлик қилаётган Раҳимов ва Александров ўртоқларнинг нўноқлиги холос. Ахир, заводда ҳамма шароит бўлгани ҳолда тайёр янги ускуналардан 22 таси ўрнатилмай ётганлигига бефарқ қараб юрган раҳбарларни жонкуяр, ташкилотчи раҳбарлар деб бўладими?! Шу заводдаги коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи СССР Олий Совети депутати Қобилжон Мўминов, область партия комитетининг иккинчи секретари А. Буреев ўртоқлар ўз сўзларида заводда брак маҳсулот чиқарилаётгани, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилгани, завод партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўймаётгани, корхонанинг хўжалик фаолияти устидан партия контроль комиссияларининг назорати ташкил этилмаганини танқид қилдилар.

Делегатлар юқоридагидек камчиликларга бошқа саноат корхоналарида ҳам йўл қўйилаётгани тўғрисида гапирдилар. Шаҳар бўйича 2 миллион сўмликдан ортиқ янги ускуна цехларга ўрнатилмасдан занг босиб ётибди. Бу соҳада айниқса ғишт заводидаги аҳвол ташвишли.

Делегатлардан касаба союзлари область Совети раиси Абдуллаев, Гидролиз заводининг директори Федоров ва бошқа ўртоқлар шаҳар партия комитети, унинг бюроси ва секретарлари Ашуров, Кулешов ва Ёқубова ўртоқларнинг саноат корхоналари фаолиятига етарли даражада раҳбарлик қилмаётганликларини, социалистик мусобақанинг ҳамма формаларидан фойдаланишга ҳаракат қилмаганликларини танқид қилдилар.

Конференция қатнашчилари коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Москва кенгаши якунларини ва Н. С. Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг фаолиятини яқдиллик билан маъқулладилар.

Конференция шаҳар партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Бўлиб ўтган шаҳар партия комитетининг пленумида Э. Ашуров, В. А. Кулешов ва О. Ёқубова ўртоқлар шаҳарком секретарлари қилиб сайланди.

Газчилар учун уй-жойлар

Норпой районига қарашли Зирабулоқ станциясининг қурувчилари Жарқоқ—Бухоро— Самарқанд — Тошкент газ магистрали ишчи-хизматчилари учун 12 квартирали уй-жой бинолари қуриб бердилар.

Қурувчилар яна 2 та 12 квартирали уй-жой бинои қура бошладилар. Бу ҳам газчиларга тортиқ қилинади.

М. ЮСУПОВ.

Етти йиллик даражасидан ортиқ гўшт

МИЛЮТИНО. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** 1-«Галлаорол» совхозининг коллективи чорва моллар сонини кўпайтириш ва бўрдоқига боқишнинг илғор усулларини кенг қўлланиб, гўшт етиштиришни сўнгги икки йилда 2.5 баравар кўпайтирди. Натижада совхоз гўшт етиштиришда етти йиллик даражасидан ошиб, пландаги 1050 тонна ўрнига давлатга 1362 тонна гўшт топширди.

Чўчқачиликни ривожлантириш гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг бой манбаи бўлди. Совхозда сўнгги икки йил давомида чўчқалар сони 1.800 бошга, ёки уч баравар кўпайди. Ўтган йили ҳар бир чўчқабоқар ўрта ҳисобда 700 центнердан чўчқа гўшти ва 1250 тадан чўчқа боласи етиштирди.

Совхоз ҳозир жами 456 тонна чўчқа гўшти топширди.

— Чилонзоримизнинг қиёфаси ой сайин эмас, кун сайин ўзгариб, гўзаллашиб бораётир,—дейди шу ерда уч йилдан бери кўтарма кранда ишлаётган машинист Озод Ҳошимов.

С. Чижиков фотоси. («Етти йиллик амалда» фотовиставкасидан).

Чет эл хроникаси

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ КЕНГАШИНИНГ ҚОҲИРАДА ОЧИЛАДИГАН СЕССИЯСИГА

МОСКВА, 16 январь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг 21 январда Қоҳирада очиладиган фавқулодда сессиясига Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг раиси Мирза Турсунзода бошчилигида ўз делегациясини юборади.

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 16 январь. (ТАСС). Бельгия меҳнаткашлари ҳукуматнинг антисоциал қонун лойиҳасига қарши норозилик юзасидан бундан 28 кун муқаддам бошлаган забастовка ҳаракати давом этмоқда.

«Комба» газетасининг хабар қилишича, мамлакатнинг бутун Жанубий қисми қўшинлар ва жандармерия билан тўлиб кетган. Улар вокзалларни, алоқа узелларини ва кўприкларни қўриқлаб туришибди. Газетанинг сўзларига қараганда, Монснамюр — Льеж саноат районида ишлар бутунлай тўхтатиб қўйилган.

Бельгия меҳнаткашларининг кенг табақалари Эйскенс ҳукуматининг истеъфо беришини, парламентнинг тарқатиб юборилишини ва янги сайловлар ўтказилишини талаб қилмоқдалар.

ГВИНЕЯ СЕКУ ТУРЕНИ ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРДИ

ЛОНДОН, 16 январь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг хабар қилишича, Гвинея республикасида ўтказилган президент сайловларида мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисми ҳукумат бошлиғи Гвинея демократик партиясининг бош секретари Секу Турени ёқлаб овоз берган. Масалан, Гвинея Республикасининг пойтахти Конакрида Секу Туре сайловларда қатнашган сайловчиларнинг 99,7 процент овозини олган. Берилган овозларни санаш ишлари давом этмоқда.

ВЬЕНТЬЯНДА САРОСИМА

ПАРИЖ, 16 январь. (ТАСС). Вьентьян полициясининг анчагина қисми, шунингдек маъмурий муассасаларнинг ходимлари Вьентьяндан Саваннакетга кўчирилган, деб хабар қилади Франс Пресс агентлигининг Вьентьяндаги мухбири.

Бу тадбир Лаос маъмурий пойтахтини ўнг оппозициячиларнинг Жанубий Лаосдаги қалъаси — Саваннакетга кўчириш ва капитан Конг Ле ва Патет-Лао қўшинлари Вьентьянга ҳужум бошлаганлари тақдирда Вьентьянни ҳимоя қилмаслик плани амалга оширила бошланиши деб қаралмоқда.

КАМБОДЖА ҲУКУМАТИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

ЛОНДОН, 16 январь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Пном-Пендан хабар қилишича, бугун Камбоджа давлатининг бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук бош министр Пхо Пренг ҳукуматининг истеъфосини қабул қилган.

ИСЁНЧИЛАР ҚУШИНЛАРИ КАМАЙИБ БОРМОҚДА

ХАНОЙ, 16 январь. (ТАСС). Исёнчиларнинг Сиенг-Куанг шаҳри районида ҳаракат қилган кўпрувчи-десант отрядлари солдатларидан 100 дан кўпроқ киши ҳукумат қўшинлари томонига ўтган, деб хабар қилади қонуний ҳукуматнинг «Лаос овози» радиостанцияси. Исёнчиларнинг 10- батальони солдатларидан бир группаси ҳам ҳукумат қўшинлари томонига ўтган.

ЛАОСДАГИ АҲВОЛ

ХАНОЙ, 16 январь. (ТАСС). Ҳукумат қўшинлари ва Патет-Лао отрядлари исёнчиларга қарши операцияларни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Кейинги вақтларда етказилган талафотлар натижасида исёнчилар солдатларининг маънавий руҳи жуда тушиб кетди. Солдатлар офицерларнинг буйруқларига бўйсунишдан бош тортмоқдалар ва ҳукумат қўшинлари томонига ўтмоқдалар. «Лаос овози» — ҳукумат радио станциясининг хабар қилишича, уруш ҳаракатларидаги ташаббус ҳозирги вақтда тамомила капитан Конг Ле қўшинлари ва Патет-Лао кучларининг қўлида турибди.

ЖАЗОИРДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 16 январь. (ТАСС). Жазоир миллий озодлик армияси олий қўмондонлигининг 3 январдан 8 январгача бўлган давр мобайнида Жазоирда олиб борилган жанглар тўғрисида бу ерда эълон қилинган ахборотида айтиладики, Жазоир армиясининг қисмлари француз қўшинларининг мустаҳкамланган позицияларига тўққиз марта ҳужум операциялари ўтказдилар ва душман қўшинлари билан тўққиз марта бўлган шиддатли жангларда қатнашдилар.

Жазоир партизан отрядлари француз қўшинлари ва полициячилари тўпланган жойларга ўн етти марта тўсатдан ҳужум қилиб, душманнинг жуда кўп электр сим тўсиқларини тормор келтирдилар.

Жанглар давомида француз қўшинларининг солдат ва офицерларидан 165 киши ўлдирилган, 193 киши яралор қилинган. Жазоир қўшинлари французларнинг 11 та бронеавтомашинасини аксон этдилар, душманнинг учта ҳарбий самолётини уриб туширдилар, тўртта ҳарбий эшелонни портлатдилар ва французларнинг жуда кўп қурол-яроқ ва ўқ-дориларини ўлжа олдилар.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ЯНВАРДА

19.00 — **100.000 савол** (мактаб ўқувчилари учун рус тилида). 19,25 — **Цейлон санъати ва архитектураси ёдгорликлари** (ўзбек тилида ҳужжатли фильм). 19,55 — **Сўнгги ахборот** 20,15 — **Етти йиллик илғорлари** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида). 20.30 — **«Комета» матроси** номли музикали кинокомедия. 21.55 — **Ўзбекистон композиторларининг хор учун ёзган асарлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Демон**, 19/I да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Холисхон**, 19/I да **Тоға-жиянлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/I да **Раис уйланармиш**, 19/I да **Фарғона ҳикояси**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

18 январда

ЎЗБЕК АШУЛА, РАҚС ВА МУЗИКА

КЕЧАСИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Коммуна Исмоилова, Меҳри Абдуллаева, Қундуз Миркаримова, Дилором Шерова, Аюб Қодиров**, Ўзбекистон радиоси солисти **Алижон Ҳасанов** филармония солистлари **Манзура Мўминова, Зиёдулла Ҳамдамов, Сайфиддин Йўлдошев, Умар Ҳамидов, Ғафур Иноғомов, Ғафур Азимов, Эргаш Тошматов, Аркадий Давидовлар** қатнашади

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

20, 21 январда

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ансамблдан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова**, солистлар **Холисхон Қодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Маннонова, Акбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфиддин Йўлдошев, Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Миркаримова** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР да хизмат кўрсатган артист **Ю. Дуров гастролининг давоми.** Ўзбек чавандозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Хўжаева, Анвар Хўжаевлар** ва томоша давомида қизиқчи артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

КИНО

Шовқин-суронли кун (кеч соат 8 яримда). **Кўчма қалъа** (кундуз ва кечқурун) — «ВАТАН».

Лўлилар чайласидаги дўстлар — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да). НАВОИЙ номли (эрталаб 10-40, кундуз 2-20, 3-40 минут ва кеч 7 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

19 20, 21, 22 январда

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий юбилейига бағишланган

ЭСТРАДА КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев**, солистлар **Муҳаббат Мусаева, Малоҳат Дадабоева, Тўхта Рисметова**, артистлар **Э. Муҳитдинов, Ж. Қосимов, О. Абдураззоқов**, Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли: **О. Ҳасанов** (чанг), **М. Халилов** (гижжак), **Х. Юсупов** (най), **Ж. Мирҳолиқов** (доира), **М. Тошмуҳамедов** (рубоб), **В. Тягнибидний** (баян) қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

РЕСПУБЛИКА СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗУВ КУРСИ

стенография ва машинкада ёзув бўлимларининг кундузги ва кечки сменаларига

УҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 1 февралгача қабул қилинади. Ўқиш 15 февралдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: **Тошкент** шаҳар, Олмазор кўчаси, 174-уй (Бешёғоч, Комсомол кўли ёнида).

КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕЛАРИ, КОЛХОЗЛАРАРО КОРХОНАЛАРНИНГ КЕНГАШЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Мажбурий окладли страхование тўғрисида 1940 йил 4 апрелдаги қонунга мувофиқ.

Ўзбекистон республикасининг страхование органлари

КОЛХОЗЛАРДА, КОЛХОЗЛАРАРО КОРХОНАЛАРНИНГ КЕНГАШЛАРИДА, ШУНИНГДЕК ГРАЖДАНЛАР ХУЖАЛИГИДА

мажбурий окладли страхование қилинадиган мулкни ҳисобга олмоқда

Колхозларда ҳамда колхозлараро корхоналар ва ташкилотларнинг кенгашларида қуйидаги мулк мажбурий окладли страхование қилинади:

иморат, ускуна, инвентарь, транспорт воситалари (механизациялаштирилган воситалардан ташқари) балиқчилик кемалари, маҳсулот, хомашё ва материаллар;

қишлоқ хўжалик экинлари (шу жумладан кўчатзор, парник ва теплицалардаги экинлар), питомниклар, боғлар, резавор мева ва тонзорлар ҳосили:

6 ойликдан тортиб қорамол, қўй, эчки ва чўчқалар, 1 ёшдан 18 ёшгача отлар 1 ёшдан тортиб туя, эшак ва ҳачирлар, 6 ойликдан тортиб наслдор той ва бўталар.

Гражданлар хўжалигида уларнинг ўзларига қарашли қуйидаги мули мажбурий окладли страхование қилинади:

доимий жойга ўрнатилган ҳамда деворлари ва томи бўлган иморатлар;

6 ойликдан тортиб қорамол, 1 ёшдан 18 ёшгача отлар, 1 ёшдан тортиб қўй, эчки, туя, эшак ва ҳачирлар, 9 ойликдан тортиб чўчқалар;

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йил 12 январдаги 32-сон қарорига мувофиқ. рўйхат ўтказилганда ҳисобга олинган мулк учун мажбурий окладли страхование тўловлари қуйидаги муддатларда топширилиши лозим:

колхозлар томонидан: 30 процента — ҳар йил 1 июнгача, 30 процента — 15 сентябргача ва 40 процента — 1 ноябргача;

Гражданлар хўжалиги томонидан: 50 процента — ҳар йил 1 майгача, 50 процента — 1 сентябргача.

Страхование тўловлари қуйидаги жойларга топширилади:

а) колхозлар ва колхозлараро корхоналар ва ташкилотларнинг кенгашлари — Давлат страхованиеси инспекциясининг СССР Давлат банки муассасаларидаги счётига;

б) қишлоқ жойларида яшовчи гражданлар — меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ Советларига;

в) шаҳар жойларида яшовчи гражданлар — омонат кассаларга, Давлат страхованиеси инспекцияларининг инспекторлари ва агентларига.

Хоҳ қишлоқ ва хоҳ шаҳар жойларида яшовчи гражданлар страхование тўловларини Давлат страхованиеси инспекциясининг СССР Давлат банки муассасаларидаги счётига почта орқали ҳам ўтказишлари мумкин.

Белгиланган муддатларда топширилмаган страхование тўловлари қонун билан кўрсатилган миқдорда пени пули қўшиб ундирилади.

Колхозларнинг ва колхозлараро корхоналар кенгашларининг раҳбарлари ҳамда гражданлар мажбурий окладли страхование қилинадиган мулкни тўла ҳисобга олишда Давлат страхованиеси органларига ҳар йил билан ёрдам беришлари лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ БОШ БОШ. ҚАРМАСИ.

Қирғизистон ССР Совнархозига қарашли

«ҚИРҒИЗПРОМПРОЕКТ»ГА

лойиҳа тузиш ишдан тажрибаси бўлган малакали мутахассислар: **электр ускуналари, электростанциялар ва подстанцияларга доир электрик инженерлар, пар-куч установкалари ва сантехникага доир теплотехник инженерлар, қурувчи-инженерлар ва техниклар, сметачилар**

КЕРАК

Эҳтиёж кўрганлар уй-жой билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Фрунзе шаҳар, Сталин кўчаси, 109- уй.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ректорати, партия; касаба союз ташкилотлари ва юридик факультет цехкоми старший ўқитувчи, юридик фанлар кандидати

Борис Срулевич ВАЙСМАННИНГ

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Марҳумнинг жасади 18 январь кундуз соат 2 да Сапёрная кўчаси, 27-уй, 10-корпус, 1-квартирадан олиб чиқилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469, Пропаганда — 33469, Саноат ва транспорт — 29005, Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 31226, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонм Сурхе» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 01461. Нашр. Б. 15.